

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК

БОСИЛОВ ДОСТОН ЯХШИБОЙ ЎҒЛИ

5A150702 – “Чолғу ижрочилиги” (эстрада чолғулари) йўналиши

САКСОФОН ЧОЛҒУСИНИНГ ЎЗБЕК ЭСТРАДА
МУСИҚАСИДА ҚЎЛЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий ижодий раҳбар:
Санъатшунослик фанлари номзоди,
доцент Ганиева Л.М.

Тошкент - 2018

Мундарижа

	КИРИШ	3
I БОБ.	САКСОФОН ЧОЛГУСИНИНГ ТАРИХИ ВА АҲАМИЯТИ	11
1.1	Саксофон чолғу оиласи ва уларнинг тарихи	11
1.2	Ўзбек мусиқа санъатида саксофон чолғуси аҳамияти ва ўрни	27
	I боб бўйича хулоса	40
II БОБ	САКСОФОН ЧОЛГУСИНИНГ ЎЗБЕК ЭСТРАДА МУСИҚАСИДА ҚЎЛЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ	42
2.1	Саксофон ва эстрада мусиқаси	42
2.2	Ижро дастурини шакллантиришда фойдаланилган асарлар таҳлили	72
	II боб бўйича хулоса	90
2.3	Тажриба-синов (танлов-фестиваллар ва концерт-ижрочилик) ишлари ва уларнинг натижалари	92
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	93
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	96

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базаси, кадирлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мусиқа оламида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган, миллий руҳдаги асарларни барпо этиш ва ижро этиш янада жадаллашди. Чунончи, чолғу ижрочилик санъати тафаккурни мазмунан миллий мусиқий тамойиллар билан бойитиш, тингловчиларни миллий оханглар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбиялаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбек мусиқа хаётида ҳукумат томонидан ўндан зиёд қарорлар қабул қилинди. 2017 йил 3 август куни президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев мусиқа санъати зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувида кўпгина муаммо ва камчиликларга тўхталиб ўтдилар ва мусиқа санъатига ривожига оид қарорлар қабул қилдилар. Шунингдек, 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг **4.4-бандида** таълим ва фан соҳасига ривожлантиришга оид бир қанча кўламли устувор йўналишлар ёритилган: Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантириш ҳамда таълим моддий-техник базасини мустаҳкамлашдаги чора-тадбирлар тизими. **“Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий химоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни**

ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш¹. Шунга кўра, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим тизимини очиқлигини таъминлаш, жаҳон стандартларига мос равишда юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсад қилиб олинган. Олий таълим муассасаларида жаҳон стандартларига мос равишда ўқитиш тизимини жорий қилиш ва таълим бериш сифатини ошириш асосида ривожлантириш, босқичма-босқич олий таълим муассасаларининг квоталарини кўпайтиришга қаратилган аҳамият ёшларга берилган имкониятдир.

«Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мусиқий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий салохиятни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар ўз натижасини кўрсатмоқда. Ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида замонавий мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши эътиборга моликдир.

Бугунги кунда ўзбек мусиқасида чолғу мусиқаси муҳим ўрин эгаллайди. Чолғу ижрочилиги, камер-чолғу, вокал-чолғу, эстрада

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола – Тошкент “МАЪНАВИЯТ” 2017, 190-бет

жанрлардаги асарларига эҳтиёж кучли. Ҳозирги кунга қадар асрлар давомида анъанага айланибгина қолмай, ривожланиб бораётган мусиқа ижрочилик санъати анъаналари, мусиқа ифодавий воситалари кун сайин оммалашиб, инсон тафаккурига сингиб бормоқда.

Ҳозирги кунда бундай имкониятлар яратилиши, биринчидан, болаларда ижрочилик, олий таълим муассаларида саксофон чолғу ижрочилиги каби билим, кўникма ва малакани шакллантиради. Иккинчидан, - мусиқа санъати ўқувчи шахсининг маънавий-ахлоқий маданиятига, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясига таъсир кўрсатади. Ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиради, фикрлаш даражасини кенгайтиради. Учинчидан, - мусиқа санъати навқирон авлодимизни юксак маънавият руҳида баркамол этиб тарбиялайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликнинг биринчи йиллариданок мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, ижрочилик санъатига тегишли миллий меросни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, анъанага айланган Республика ёш ижрочилар танлови, “Санъат ғунчалари”, Халқаро жаз фестивали каби танловларни эслаб ўтиш мумкин.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда ўзбек мусиқа мероси асосида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш усуллари, воситаларини, тарбиянинг педагогик-психологик имкониятларини очиш зарурияти алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки мусиқа ижодиётининг касбий, профессионал жанрига оид назарий ва амалий билимларни, бадиий-мусиқий, эстетик тафаккурни шакллантиришда, маънавий-ахлоқий тарбиялашда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йилда нашр этирилган **“Юксак маънавият енгилмас куч”** асарида ҳам ўзбек мусиқа санъатига ва унинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларига тўхталиб ўтганлар².

²Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.

Ёш авлоднинг мусикий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Санъат соҳасида, жумладан бўлажак чолғу ижрочилари учун амалий ижрочилик салоҳиятларини ошириш билан бир қаторда ўз соҳасининг ҳар томонлама ўрганиш, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга қодир бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг битирув диссертация ишимиз марказида саксофон чолғу ижрочилик амалиётида, хусусан битирув чолғу ижро дастуридан ўрин олган асарларнинг таҳлилига масаласига бағишланган.

Чолғу мусиқаси жанрларининг ўз ичида саксофон чолғусининг ўрни, аҳамияти, табиатига, яқинлиги, қолаверса камер мусиқа оламида ўзгача кўринишга эга бўлиши, унинг сахнавий ҳаётини давомийлигини кўрсатди. Паркерининг асарларидан хусусан, саксофон ва фортепиано учун асари таниқли созандалар репертуарида муносиб ўрин эгаллаган. Джаз жанрининг ўзи мусикий ҳаётимизда дадил фаоллигини кўрсатишига қарамай, охириги аср мусиқа ижодиёти кўпгина таниқли мусиқашунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Бу эса ўз навбатида биз танглаган мавзунинг *долзарблигини* белгилаб беради. Саксофон учун яққохон ёки симфоник оркестр, биг-бенд жўрлигидаги бошқа чолғулар учун аталган асарлар орасида энг узоқ, яъни, икки асрлик умр кўрган асарлар бўлиб, ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида кўплаб ўзгариш жараёнларини бошидан ўтказди ва бугунги кунга қадар ўрни ва мавқеини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қолаверса айнан дамли чолғу мусиқаси мавқеи XX аср иккинчи ярмида камер мусиқа жанрларини ривож кесимида бир мунча ўсиб, ниҳоят юқори чўққиларга кўтарилди.

Концерт мусиқа ва камер мусиқаси ўртасидаги мутаносиблик турли даврларда ҳилма-ҳил мувозанатда бўлиб, ҳамиша ўзгариб борган. Айрим ҳолларда композиторлар ижодида саксофон чолғуси етакчи ўрин эгаллаб

келсада бошқаларда эса бир мунча четга олиб қўяди. Мазкур чолғунинг шаклланишидан бошлаб ва ривожланишга қадар пайдо бўлган жанр серкатламлиги, интонация масаласи ўз ичида мураккаб жараёнлари кечиши билан тавсифланиб бу борада тадқиқотчилар диққат марказини ўзига жалб этди.

Баъзан, тадқиқот объекти сифатида саксофоннинг турдош хусусиятлари ва интонация масалалари диққат марказига танланган. Жумладан, “Талқин” ва “Ижрочилик муаммолари” га ўз эътиборини америка мусиқашунослари изланишларини бағишлаган.

Маълумки ўтган XX асрнинг 20-йилларида саксофон чолғуси масаласига бағишланган биринчи тадқиқот яратилди. XIX асрнинг ворислик анъаналарини эътиборга олган ҳолда, кўплаб муаллифлар товуш чиқаришга алоҳида эътибор қаратадилар, мазкур мавзунинг машҳурлиги эса унга хос бўлган асосий хусусиятлар орқали: оммавийлик, эстрадалик, тамошавийлик, хаётий ва оптимистик ғояларни очиб бериш имконияти билан тадқиқотларда асослаб берилади. Афсус, ўша йилларда сиёсат майдонида ҳукм сурган “мавқуравий назорат” XX асрда мавзунинг асл ҳолати ва аҳволини кўз олдимишга келтиришга имкон бермади, қолаверса, шу ўн йилликларда яратилган асарларнинг турлари, жумладан, Паркер, Равелларнинг новаторлик намуналарини ҳам ўрганишга имкон бўлмади.

Тарих саҳифаларини тўлдиришга Ч.Паркер ҳаракат қилади. Унинг ёзувларида мусиқа ижрочилигига саксофон чолғусининг босиб ўтган катта тарихий йўлини очиб беришга бағишланган.

Ч.Паркернинг тадқиқотлари ўзини хронологик-тадрижий кетмакетлиги, масшаби, катта ва кенг регионал мамлакатларни қамраб олиши билан эътиборни тортади. Ўз навбатида бундай ёндашув чолғу эволюциясини шаклланишидан бошлаб то замонавий босқичгача бўлган жараёнларни кўздан кечиришга имкон очиб берди. Муаллиф, XX асрнинг ҳар бир

босқичида тўхтаб, бу соҳада касбдошлари ва изланувчи “давомчиларини” нг номларини ҳам қайд этиб ўтади.

Ч.Паркер нафақат мусиқа санъати турфа ва ранг баранг кўриниш манзарасини, балки, мусиқа ижрочилик типологиясини тузиб, эволюцион босқичларни белгилаб бергани тадқиқот қийматини оширди. Муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган икки мусиқий тури: техник “махоратли” (виртуоз) ва “мунгли” ижро йўллари, бугунги кунда таснифланишнинг асосий мезони сифатида мусиқашунослик, ижрочилик амалиётида, мусиқий комусий китоб ва нашрларда ўз ифодасини топмоқда. Бундан ташқари, муаллиф жанрнинг аниқ белгиларини қайд этиб ижрочилик, ва унинг хусусиятларига кирган ўзгарувчан талқин табиати, камер мусиқа жанрининг эволюцияси ҳақида эркин сўз юритишга асос беради.

Ч.Паркернинг йирик тадқиқотларидан сўнг мазкур чолғу кўп йиллар давомида мусиқашунослар эътиборидан четда қолди. Бир неча ўн йилликдан сўнг бу мавзуга монография, докторлик диссертациялари, камер мусиқаси учун яратилган йирик шаклдаги асарлар, йирик таркибдаги оркестрлар учун мукамал асарлар яратилди. Бироқ Ч.Паркерга хос бўлган ижрочилик муаммоларни четлаб ўтдилар.

Муаллиф, бошқа тадқиқотчилар каби мусиқий ижрочиликни қайд этиб, уни “Камер мусиқаси ўзи бўлмасада, бироқ, кўплаб мусиқий имкониятлар масалан “аппликатура”, техник мураккаб бўлган товушларни ижро этиш каби масалаларни четга суриб қўйгани аниқ деб ҳисоблайман.

Бу борада Ч. Паркер чолғу мусиқаси айнан жанр сифатида йирик шаклларга нисбатан типологик мустаҳкам эканлигини асослаб беради.

Тадқиқот объекти. Санъат соҳасида, жумладан чолғу ижрочилари учун амалий ижрочилик салоҳиятларини ошириш билан бир каторда ўз соҳасининг ҳар томонлама ўрганиш, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга қодир бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг магистрлик диссертация ишимиз марказида саксофон чолғу ижрочилик амалиётида, хусусан битирув концерт ижро дастуридан ўрин олган асарлар ва чолғу хусусиятлари таснифи, техник имкониятлари таҳлилига бағишланган.

Тадқиқот предмети. Ўзбек мусиқа санъатида саксофон чолғусининг ўрни, истикболи ва ижрочилик нуқтаи назаридан таҳлили.

Ишнинг илмий янгилиги. Ёғоч дамли чолғу ижрочиликда саксофон чолғусининг қўлланиши ва ўзбек мусиқа санъатида саксофоннинг деярли ўрганилмагани билан боғлиқ. Тадқиқ қилиш ва ёндашув усули ҳам бу борада янгича бўлиб, зарбли чолғуларнинг қўлланиши, ифодавий воситаларининг тизимлаштириш тамоиллига асосланади.

Тадқиқот материали сифатида нота мисоллари; ёзув тасмалари; видео ёзувлар; саксофон чолғу ижрочилик мактаби; илмий-методик ишлар; тарих фактлари; назарий ва амалий ижрочилик материаллари; чолғулаштириш; мусиқага оид гуруҳларнинг жамланган адабиётлар; фотоматериаллар; шахсий кузатувлар;

Таҳлил учун асосан саксофон чолғу ижрочиларнинг аудио ёзувларидан, ноталаридан фойдаланилган. Мазкур асарлар етакчи ижрочиларининг репертуарида фойдаланилади ва сахналарда кўп ижро этилишига қарамай ушбу мавзуга доир таҳлиллар фақат лавҳали кузатувлар билан чегараланганлигини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқот мақсади: Ўзбек мусиқа санъатида саксофон учун яратилган асарларнинг талқинини аниқлаш, шунингдек техник имкониятларини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Илмий ишимизнинг асосий вазифаси қаторига қуйидагилар кирди:

- Чолғу мусикасида чолғуларнинг моҳияи ва жанр тамойилини аниқлаш;
- Хозирги кунда саксофон чолғусининг нотаграфикаси;

Иш кириш, икки боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Ушбу магистрлик диссертацияда саксофон чолғуси тарихи, ижрочилик имкониятлари, техник базаси ва айнан ўзбек мусика санъатидаги ўрни тавсифини ёритиб бериш иборат.

- Умумий назарий тамойилларга асосланган ҳолда ижрочилик компонентларини аниқлаш;

Ўзбек мусикасида саксофон чолғуларининг ўрни ва аҳамияти, техник имкониятлари моҳиятига оид фикрлар баён этилиб, мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий янгилиги, амалий аҳамияти асослаб берилди. Шу билан бирга, илмий адабиётларда ушбу масалани ўрганилмаганлиги, тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари, тадқиқот учун объект қилиб танланган асар, ишнинг илмий-амалий янгилиги, моҳияти белгиланади.

Биринчи боб марказида, саксофон чолғусининг тарихи, таснифи, қўлланиши олиниб унинг шаклланиши ва кўринишига оид фикрлар ўрин олган.

Иккинчи боб ўз навбатида икки фаслга бўлиниб, ўзбек мусика санъатида саксофон чолғусининг қўлланиши истиқболлари ва ижрочилик талқини масалаларига бағишланган.

Хулоса қисмида малакавий ишда олиб борилган изланишлар юзасида умумий натижалар чиқарилади.

Ї БОБ

САКСОФОН ЧОЉУСИНИНГ ТАРИХИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Саксофон чолғу оиласи ва уларнинг тарихи

Саксофон — тилли-тростли дамли мусиқа чолғуси бўлиб, товуш чиқариш услубига кўра ёғоч дамли чолғулар оиласига мансуб. Саксофонларнинг бошқа дамли чолғулардан фарқи уларнинг қадимий тарихи мавжуд эмас. Саксофонлар оиласи 1842 йили Белгиялик мусиқачи ва мусиқа чолғулари устаси Адольф Сакс томонидан ихтиро қилинган.



XIX асрда саксофон чолғуси дамли чолғулар оркестрида қўллана бошланган, баъзи холларда яккахон чолғу сифатида симфоник оркестр таркибига ҳам киритилган. Джаз ва эстрада мусиқасининг асосий чолғулар таркибидан ўрин олган.

Саксофон чолғуси кучли товуш чиқариш имкониятига эга бўлиб,

куйчан тембр ва харакатчан ижро услублари ёрдамида унинг барча хусусиятларини кўрсатиб берувчи музикий чолғу ҳисобланади. А.Сакс ёшлигидан отасининг устахонасида ишлаб юрган вақтида кўпгина чолғуларни такомиллашишида қатнашган бўлиб, у дамли чолғулар оркестрининг мис дамли ва ёғоч дамли чолғу гуруҳларидан фарқланадиган ва товуш чиқариш жihatдан кучли, тембри ҳеч бир чолғуга ўхшамаган ғоя кидирган эди. У саксафон чолғусининг илк намуналарини офиклеид деб номлаб 1841 йили Брюссельнинг ишлаб чиқариш кўрғазмасида намоёниш этган. Чолғунинг тузилиши худди саксофон чолғусига ўхшаш бўлиб фақатгина унинг кўрпуси мисдан бўлиб тузилиши тўғри бўлмаган. А.Сакс 1842 йили ўзининг янги ихтиросини тадбиқ этиш учун Париж шаҳрига келади. Шу вақтда А.Сакснинг дўсти, композитор Гектор Берлиоз 12 июнь куни Парижнинг «*Journal des Debats*» журналида “Саксофон” деб номланган мақола чоп этилади ва тез кунларда ушбу янги чолғу номи машҳур бўлиб кетади.

Г.Берлиоз саксофон чолғуси иштирокидаги биринчи асарни яратди. Унда инсон овози ва олти дамли чолғулар иштирок этади. Ушбу олти чолғуларнинг барчаси А.Сакс томонидан такомиллаштирилган ёки қайта ишланган чолғулардир. 1844 йил 3 февраль куни Берлиознинг ўзи ушбу асарга дирижёрлик қилади ва шундан сўнг илк мартаба саксофон Жорж Кастнернинг “Иудеянинг охириги Қироли” номли операсида қўлланади. Шу йили саксофон Париж шаҳрида сотувга қўйилган.

1846 йили А.Сакс Франция раҳбариятидан “Тизимли дамли чолғулар, саксофонлар” деб номланган 8 турдаги саксофонлар учун патент олади. Бунга қадар саксофон чолғуси франциянинг харбий оркестрида гобой, фагот ва ваторна чолғуларининг ўрнига қўллана бошланган.

Г.Берлиоз чолғулаштириш ва оркестрлаштириш бўйича кўпгина тажрибага эга мутахассис сифатида айнан шу соҳа бўйича “Чолғулаштириш” номли кенг қамровли мақола чоп этилади. Шундан сўнг композиторлар

саксофонларни ўз асарларида кенг қўллашни бошладилар: Галев - “Вечный жид” (1852), Мейербер - “Африканка” (1865), Том - “Гамлет” (1868), “Франческа да Римини” (1882), Делиб “Сильвия” (1876), Массне “Король Лахорский” (1877), “Иродиада” (1881), “Вертер” (1886), Сен-Санс - “Генрих VIII” (1883), Венсан д’Энди - «Фервааль» (1895) ва бошқалар.

Саксофон чолғуси симфоник оркестрда кам ҳолларда қўлланилади. 1874 йили Жорж Бизе Альфонс Доденинг “Арлезианка” драмасига ёзган мусикасида иккита мавзун ижро эттиради.

1857-1870 йиллар А.Сакс Париж консерваториясида харбийларга саксофон чалишни ўргатади ва бир канча машхур мусикачиларни тайёрлайди. Шу даврда ижодкорларни саксофон чолғуси учун асар ёзишга қизиқтира олди. Унинг ёшликдаги дўсти, композитор Жан-Батист Синжеле саксофон учун махсус имтиҳонларга мўлжалланган асарлар яратарди. А.Сакснинг меҳнаткашлиги ва тиришқоқлиги билан саксофон чолғу ижрочилик мактаби тузилди, аммо 1870 йилда тақдир зайли билан уруш бошланади ва мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги фронтга кетадилар. Шунинг учун мактаб ёпилади ва санъатга бўлган эътибор, саксофон чолғусига бўлган қизиқиш камаяди. Саксофон мактаби ёпилгандан сўнг фақатгина Париж консерваториясида 1942 йили очилади. Шунингдек, Париждаги нотинч даврда Америкалик яккахон ижрочилардан Элиза Холл саксофон чолғусининг тарғиботи билан шуғулланган ва концерт дастурлари ташкил этган.

Саксофон чолғу оиласи катта бўлиб, унинг хар бир аъзоси ўз хусусиятига, тембрига, ижро техникаси, ифодавийлиги ва тарихига эгадир. Шулардан бири саксофон сопрано XX асрнинг биринчи чорагида замонавий композиторлар ижодида кенг қўлланилган. Дариюс Мийонинг “Сотворение мира” балети, Жермен Тайфер, Морис Равельнинг “Болеро” асарида эса бир вақтнинг ўзида саксофон чолғусининг учта тури қўлланилган — сопранино, сопрано ва тенор, Мануэль Розенталь ва бошқа замонавий композиторлар.

XX асрда Европа давлатларида урфга кирган джаз мусиқаси учун асосий чолғулар турига айланган саксофон чолғуси оммабоп ва таниқли чолғулар сирасига кирди. Айтиб ўтиш мумкинки юқорида таъкидланган асарлардан сўнг Паул Хиндемитнинг «Кардильяк» операси (1926), Дмитрий Шостаковичнинг «Золотой век» балети (1930), Сергей Прокофьевнинг «Поручик Киже» сюитаси (1934) ва «Ромео ва Джульетта» балети (1938), Артюр Онеггернинг «Жанна д'Арк на костре» ораторияси (1935), Альбан Бергнинг Скрипка учун Концерти ва «Лулу» номли операси, Арам Хачатуряннинг «Гаянэ» балетида саксофон чолғуси қўлланилди. Модест Мусоргскийнинг «Картинки с выставки» туркумидан асарида «Старый замок» куйида саксофон асосий мавзуни ижро этади, шунингдек Сергей Рахманиновнинг “Симфоник рақслар” асарида саксофон соло ижро этади.

Саксофон учун бир қатор соло асарлар яратилган: Клод Дебюссининг саксофон учун Рапсодияси; Александр Глазунов – саксофон учун Концерт; Франк Мартен – саксофон учун иккита Баллада; Филипа Гласс - Концерт саксофон квартети ва симфоник оркестр учун; Майкла Найман - Концерт саксофон, виолончель ва симфоник оркестр учун (1996) каби асарлар. Рус композиторлари орасида эса — Эдисон Денисов, София Губайдулина, Вячеслав Артёмов, Николай Пейко, Андрей Эшпай, Татьяна Чудова, Юрий Каспаров, Дмитрий Капырин каби ижодкорлар соло ва ансамбл учун асарлар яратганлар.

1969 йилдан Халқаро саксофончилар конгреси бўлиб ўтади, унда танлов ва фестиваллар, саксофон чолғусига оид китоблар чоп этилади. 1995 йилда Бордо шаҳрида Европанинг саксофон маркази очилади ва унинг натижасида дунё бўйича саксофонга оид қандай маълумотлар тўпланади ва саксофон чолғусини замонавий мусиқа йўналишида илмий ишлар, асарлар яратилади.

XIX асрда Америка қўшма штатларида янги мусиқий жанр пайдо бўлиб, унда саксафон унинг асосий чолғуларидан бирига айланди ва 1918 йилда

америкалик танқидчилар ушбу жанрга бошқа бир чолғуга нисбатан саксофон кўл келганлигини таъкидлашади. Саксофон шу асрда (1910-1920 йй.) айнан джаз мусиқаси орқали кенг тарқалди ва оммалашди деса бўлади. Шунингдек, саксофон чолғусини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилганлиги, кўплаб яратилганлиги унинг машхур бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

1930-йилларда урфга айланган свинг йўналишида ижро қилган Биг-бэндлар пайдо бўлди ва ўзида саксофон чолғусининг асосий таркибда кўлланилиши чолғуга янада машхурлик олиб келди. Биг-бэнд таркибида бештадан кам бўлмаган саксофонлар гуруҳи қўлланган: иккита альт саксофон, иккита тенор саксофон ва баритон саксофон. Джаз услубидаги ушбу таркибда саксофон чолғусида ижро этган чолғу ижрочиси саксофон, флейта ёки саксофоннинг сопрано, сопранино турларида ижро этган. Шу даврда энг моҳир ижрочи саксофончилардан — Лестер Янг (1909—1954), Коулмен Хоукинс (1904—1969), кейинчалик — Чарли Паркерлар (1920—1955) ном қозонишган.

Замонавий джаз мусиқасида XX аср давомида саксофон яққалон, ёки асосий чолғу сифатида кенг тарқалди. Тингловчилар талабига кўра оммалашиб борган саксофон чолғуси мутаносиб равишда профессионал чолғу ижрочиларини ҳам кашф этиб борди. XX асрнинг иккинчи ярмида Джулиан Эддерли (1928—1975), Джон Колтрейн (1926—1967), Джерри Маллигэн, Бад Шенк, Фил Вудс, Орнетт Коулман, Стэн Гетц, Пол Дезмонд ва бошқа машхур саксофончиларни кўришимиз мумкин.

Саксофон чолғусининг тузулиши ва таркиби.

Саксофон турли мусиқий жанрлар ва таркибларда ишлатилади. Буларга мисол қулиб қуйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин:


- Соло ижро этувчи мусиқа асбоби тариқасида;
- Камер ансамблларида;
- Симфоник оркестрларда;
- Дамли чолғулар оркестрида;

- Эстрада мусиқасида;
- Джаз мусиқасида ва б.

Саксафонлар оиласи сопранино ми-бемол(энг кичик саксофон)дан энг йирик саксофон Субконтрабас си-бемол саксофонгача бўлган турли тесситурадаги чолғулар гурухидан иборат. Шу кунга қадар шакл жихатидан деярли ўзгармай келган саксофонлар (сопранино ва сопранодан бошқа) S шаклида ясалган бўлиб, оғзи томонга қараб конуссимон кенгайиб боради. Шунга монанд овоз хажми ҳам ўзгариб боради. Фақатгина клапанларига қўшимчалар киритилган. 1887 йили пастки си бемол клапани ўрнатилган ва баритон саксофониға пастки ля клапани қўшилган. Унинг оғир мис танаси енгил метал қотишма билан ўзгартирилган. Чолғунинг бошқа дамли чолғулар билан ўхшашлиги:

- саксофоннинг мунштук ва трости саксофонникиға ўхшашди;
- саксофон аппликатураси гобойнинг аппликатурасига мос келади;





Саксофон бошқа дамли-тилли тростли чолғуларга нисбатан унинг кувури кенг бўлиб, товуши кучли ва жарангли янграйди. Сопранино ва сопрано саксофонлар тўғри шаклдаги конуссимон шаклдан иборат. Бошқа саксофонлар эса қайирилган, мунштук кийгазилган найча билан таъминланган. Ушбу саксофонларнинг S шаклидаги метал танаси кенг диаметрли ижро тешиклари тоза ва кучли товуш ҳосил қилишга имкон яратади.



Саксофон сопранино, сопрано, альт, тенорлар 24 та ижро тешикларига эга, саксофон баритон ва бас эса 25 та ижро тешикларидан иборат. Улар клапанлар билан таъминланган бўлиб, шулардан иккитаси октава клапанларидир:



Хроматик товушқаторнинг дастлабки 16 та товуши клапанларни пастки си бемолдан бошлаб навбат билан очиб борилиши натижасида ҳосил қилинади. Қолган 12 та товуш (иккинчи октава ре дан учинчи октава до диез гача) пастки асосий тонларнинг иккинчи обертонлари ҳисобланади ва ўша аппликатурада (иккинчи октава ля гача) биринчи октава клапанини очган ҳолда чалинади. Иккинчи октава ля дан юқори товушлар мунштук кийгазиладиган найчага ўрнатилган иккинчи октава клапани ёрдамида ҳосил қилинади. Учинчи октава до диез ва ундан юқори товушлар қўшимча клапанлар ёрдамида ижро қилинади. Учинчи октава фа (ёзилиши бўйича) саксофонлар учун энг юқори товуш ҳисобланади. Лекин, мураккаб аппликатуранини қўллаш натижасида ундан ҳам юқори, яъни тўртинчи октава до товушини ҳам ҳосил қилиш мумкин. Сопрано, бас, контрабас ва субконтрабас саксофонлари учун энг охириги товуш учинчи октава ми бемол товушидир.

Саксофонлар оиласи 8 та турдан ташкил топган:

Саксофон сопранино in Es– ми бемол;



Саксофон сопрано in B – си бемол;



Саксофон алтъ in Es – ми бемол;



Саксофон тенор in B – си бемол;



Саксофон баритон in Es – ми бемол;



Саксофон бас in B – си бемол;



Саксофон контрабас in Es – ми бемол;



Ушбу саксофонларнинг барчаси транпозицияланувчи чолғулар турига киради ва бир хил аппликатурага эга. Партиялари скрипка калитда ифодаланилади.

Саксофонларнинг тўлиқ диапазони ва регистрлари таснифи:

Саксофонлар жуда харакатчан чолғу бўлиб, унда битта бемолли ва тўртта дизели тоналликдаги товуш ва машқларни ижро этиш қулай ҳисобланади. У динамик жихатдан ҳам қулай ва ўртача кучланишдаги товуш чалинганда бирданига учта саксофон товушига тўғри келади. Композитор Г.Берлиоз таъбири билан айтганда: “Ҳеч бир чолғу пианиссимо чалгандажимлик чегарасига саксофончалик яқин бора олмайди”, деганда ҳақ эди.³

³ Рево Маркович Пертов, Ботир Матёқубов – Чолғушунослик ва чолғулаштириш. Мусиқа ва санъат коллежлари учун ўқув қўлланма. Тошкент 2006

Саксофонда деярли барча трелларни ижро этиш мумкин. Мураккаб треллар куйидагилардан иборат:

- Юқори томон глиссандо чалиш осон;
- Пастки томон глиссандо чалик мураккаб ва деярли қўлланилмайди;

Ижро жараёнида товуш ҳосил қилишнинг махсус усуллари:

- *Subtone* – боғиқ товуш;
- *Deadtone* – ифодасиз, жосиз, ўлик товуш;
- *Slabtone* – қисқа, шақиллашга ўхшаш кескин товуш;
- *Vibrato* – нолаسيمон товуш;

Саксофон чолғусида товуш кучини пасайтириш ва тембр тусини, характерини ўзгартириш учун сурдина қўллаш мумкин. Саксофонлар оиласи ичида кўпроқ тарқалганлари альт ва тенор чолғуларидир. Ўзининг чиройли ва ифодали тембри, техник имкониятлари туфайли улардан якка ҳолда турли оркестр ва ансамблларда учратиш мумкин.

Саксофон баланд ва илик, юмшоқ ва ифодали тембрга эга бўлганлиги учун ҳам замонавий симфоник оркестрларда иккита, жуда кам ҳолларда уч ёки тўрта саксофон турлари ишлатилади, шу билан бирга охириги рақам остидаги саксофон ижрочиси партитурадаги бас партиясини ижро этиб бориши ҳам мумкин. Шунингдек, оркестр партитурасида саксофонлар партияси алоҳида гуруҳ сифатида белгиланади, унда кўп ҳолларда саксофон тенор, альт ва баритон саксофонлар қўлланилади.

Айтиб ўтиш керакки, юқорида келтирилган таркиблардан кўра кўпроқ сопрано, альт, тенор ва баритон саксофонлари қўлланилади. Улар саксофон квартетини ташкил этади. Баъзида, ансамблларда сопрано саксофонининг ўрнини иккинчи альт саксофон эгаллайди. Сопрано, альт ва теноро саксофонлар классик мусиқада ва джаз мусиқасида қўлланилади. Баритон саксофон эса — джаз ва шунга ўхшаш жанрларда қўлланилади.



Саксофоннинг диапазони уч қисмга бўлинади: қуйи, ўрта ва юқори. Шунга кўра икки ярим октавали диапазон ҳосил қилади. Европанинг замонавий композиторларидан баъзиларининг мусиқа асарларда «фальцет» регистри(энг юқори товушдан юқори)да ижро этиш керак. Унда махсус мураккаб аппликатура қўлланилади ва саксофонда гармоник «флажолет» товушларининг янграшига эришса бўлади.

Саксофон чолғусида техник ижро имкониятлари кенг: ҳаракатчан ижро, легато (саксофон билан легато ижроси бўйича деярли ўхшаш), товушнинг вибрацияси кучлийлиги, стакаттонинг аниқ ва кучли эканлиги, бир нотадан иккинчи нотага глисандо қилиш имкониятлари кенглиги. Саксофон чолғуси бошқа ёғоч дамли чолғуларга нисбатан товуш кучи баланд. Мис дамли чолғуларга хос равишда. Лекин, саксофон ва валторналар ёғоч дамли чолғу эмас. Бундай ҳолатда айтиш мумкинки, саксофон ёғоч дамли ва мис дамли чолғуларни техник ижро имкониятлар ва тембр жihatдан икки гуруҳни бирлаштириб туради.

Джаз мусиқасида ва замонавий асарларда саксофончилар турли хил

ижро техникаларидан фойдаланишади: фруллато (тил ёрдамида бир нотада тремоло ижро этиш), резонанс ҳолатида янгротиш, энг баланд товушдан юқори регистрда флажолет ижро имконияти ва мултифоник (гармоник) янграши каби техник имкониятлари мавжуд.

Ёғочли дамли асбоблар орасида саксофон ўзининг акустик хусусиятларига биноан оркестр асбоблари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг товуш каналлари ёпиқ цилиндр шаклини яратади ва айнан унинг шундай хусусиятлари бошқа музика асбобларидан унинг янграшини ажратади. Унинг хусусиятлари куйидагича:

- Оркестрдаги бошқа дамли чолғуларга нисбатан унинг диапозони, тембри такрорланмас;
- Товушни хосил қилаётган саксофон айниқса пастки регистрда, гармоник янграш хусусияти доимо мавжуд.
- Илк пуфлаш билан биргаликда нафас йўллариининг кенгайиши кузатилади ва сакраш жараёнларини ҳам кўришимиз мумкин, бошқа ёғочли дамли гуруҳнинг музикаий асбобларига ўхшаб октавага эмас.
- Турли қийинчиликларга тўқнаш келишининг олдини олиш учун кўплаб музикачилар саксофоннинг асосан икки туридан фойдаланишади. Бу – саксофон альт ва саксофон тенор.

Буюк саксофончилар

Саксофон чолғусида яккагон ижро анъанаси XIX асрнинг ўрталарида бельгиялик ва француз музикачилар ташаббускорона харакатлари билан юзага келган. Яккагон равишда А.Сакс ўзи яратган асарларни ижро этган, шу даврга оид бошқа буюк саксофончилардан — Анри Вюиль, Луи Майёр, Жан Мурман, Жан-Батист Суаллардир. Америка музика ихлосмандларини саксофон чолғуси билан таништирган ижрочи бу Эдуард Лефебр (1884).

Ундан сўнг мохир созандалардан Элиза Холл бўлиб, замонавий композиторлар томонидан унга бағишлаб 40 дан зиёд асарлар яратилган.

XX аср тарихида саксофон чолғусида классик ижро мактаби намояндалари сифатида - Сигурд Рашер ва Марсел Мюллер гавдаланади. Жахон сахналарида саксофон чолғусини тарғиб қилган Густав Бумк, Сесил Лизон, Жюль де Врис, Жан-Мари Лондейкс, Лев Михайлов бошқа буюк саксофончилар.

1920 йил джаз мусика оркестрларида яккахон сифатида танилган — Коулмен Хокинс, Джонни Ходжес, Чарли Паркер, Лестер Янг, Сонни Роллинс, Джон Колтрейн, Бен Уэбстерлардир.

Айтиб ўтиш керакки, саксофон чолғуси нафақат мусикачиларни балки, оддий одамларнинг қалбига кириб борган. Шулардан машхур одамлар ҳам ўрин олган. Улардан Америка кўшма штатлари президенти Билл Клинтон ҳам кўзга ташланади.



1.2. Ўзбек мусиқа санъатида саксофон чолғуси аҳамияти ва ўрни

Ўзбекистон эстрада мусиқа санъатида ҳозирги кун назари билан караганда долзарб ва ўта муаммоли вазифалар устун ва ўзига хос ютуқлар мавжуд. Сўнги ўн йилликлар мобайнида эстрада-джаз чолғу мусикасига бўлган қизиқиш тобора ортиб борди, бунда эса саксофон етакчи чолғулардан бири сифатида гавдаланди. Эстрада-джаз мусикаси, ушбу санъатнинг оммалашшида туртки бўлиб, ёш мутахассисларни касбий даражадаги ижрочилик кўникмаларини шакллантиришда, саксофон чолғусининг услуб, жанр бўйича билимли бўлишини тақазо этди. Давр талабларидан келиб ҳолда, саксофон ижрочиларини тайёрлаш механизми йўлга қўйилди, консерваторияда эстрада бўлими ташкил қилинди ва вақт ўтгач мазкур бўлим “Эстрада ижрочилиги” кафедраси сифатида ташкил этилди. Унда саксофон чолғу ижрочилиги бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар фаол даражада иш юритмоқда. Ўзбекистон Давлат Консерваториясида эстрада чолғу ижрочилиги соҳасида илмий тадқиқот ишлари санокли даражада бўлиб бу борада илмий изланишлар вақт ўтган сайин ўз йўлини топмоқда. Айтиб ўтиш керакки, ўзбек мусиқа санъатида саксофон чолғуси аҳамияти ва ўрни ушбу чолғуга бўлган эътибор ва қилинган ишлар билан ўлчанади. Ҳозирги кунга қадар мусиқа мактабларида, санъат коллежлари ва лицейларда, махсус мусиқа мактабларида, Ўзбекистон давлат консерваториясида саксофон синфлари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, ҳар икки йилда ўтказиладиган Республика ёш ижрочилар танловида юзлаб саксофончи ўқувчилар лауреат бўлганлар ва консерваторияга имтиёзли равишда ўқишга кирганлар.

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Эстрада ижрочилиги” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан саксофон ижрочилигида тахсил олаётган талабалар учун Н.Салиев, В.Сапаровларнинг “Саксофониана” номли ўқув-услубий қўлланма, Рево Маркович Петров ва Ботир Матёкубовлар томонидан мусиқа ва санъат коллежлари учун

“Чолғушунослик ва чолғулаштириш” номли ўқув қўлланма яратилган. Кўп йиллар давомида хар йили юртимизда Халқаро джаз фестивали бўлиб ўтади. Фестивалда мохир саксофончилар, пианиночилар, оркестрлар ва чет эллик мутахассислар иштирок этадилар. Шунинг ўзидан кўриниб турибтики ўзбек мусиқа санъатида саксофон чолғусининг аҳамияти ва ўрни салмоқлидир.

Ушбу диссертация ишининг ўзбек эстрада санъатида саксофон чолғуси аҳамияти ва ўрни, эстрада санъатининг кириб келиши босқичида, унинг илмий-изланиш жараёнида ўзбек эстрада тарихини ёритиб беришга харакат қилдик.

Мавзуни кенг ёритиш мақсадида саксофон чолғусининг жаҳон эстрада мусиқа санъатидаги аҳамияти ва эстрада-джаз жанри хақида маълумотлар ўрганилди. Эстрада-джаз санъати, эстрада ижрочилиги ХХ асрда саксофон чолғуси билан узвий боғланган бўлса, джаз жанри эса аслида маҳаллий анъаналарнинг шаклланиши ва АҚШ хабашларнинг иммиграциясига қадар вужудга келган. XVII асрдан бошлаб Африкадан мажбур кўчирилган эркисиз куллар ўзлари билан қадимий анъаналарга бой бўлган маданиятни “Янги оламга” олиб келдилар ва бу маданият Европалик кўчманчилар маданияти таъсирига тушди. Асосан, Американинг жанубий худудларида қишлоқ хўжалиги ишларини амалга оширган куллар бадихагўй шаклдаги “Холлерс вашаутс” каби айтимларни ижро этганлар⁴. Кечалари эса ибодатга тўпланган хабашлар қадимий маросим айтимларини, саноларни (псалма), шунингдек, спиричуелларни куйлаганлар. Булардан спиричуелла илк афро-америка мусиқий ифодавий шаклларида бирига айланди.

Айтиш мумкинки, XIX аср охири ХХ аср бошларида Европа ва Африка мусиқий маданиятларининг қоришуви натижасида АҚШнинг жанубий штатларида профессионал мусиқа саъатининг янги тури юзага келди.

Джаз-инглизча кўнгил-очар мусиқа тури, франсузчада – “Валдираш” маъносини билдиради. Бошқа таърифда эса 1915-йил Нью-Йорк илк джаз

⁴ Маъмур Умаров – “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи”, “Янги аср авлоди”. Тошкент - 2009

ансамблини тузган Джазбо Браун исмидан олинган деб таъкидланади. Унинг яратувчилари ва ташувчилари америкалик хабаш қулларнинг авлодлари бўлди. Бу муסיқа турида қуйидаги бадиий анъаналарнинг ўрни салмоқлидир.

- усул (ритм) нинг муҳим ўрин тутиши;
- метрика ёки “Бит”нинг изчиллиги;
- тўлқинсимон ҳаракатни юзага келтирувчи оҳанг қурилмаларидаги урғулар (масалан, “свинг”);
- Остината тарзида қайтарилиб турувчи кичик ҳажмдаги оҳанг (“рифлар”);
- Товушқаторнинг 3, 5, ва 7-чи босқичларидан ўзига хос қуйи ҳаракатдаги глиссандо (“блюноталар”);
- Кенг овоз туси ва товушларга тақлид қилувчи унсурларнинг қўлланиши;
- Асарнинг аниқ тузулиши доирасида ритмик оҳанг қурилмаларини ўзгартириб туриш (бадиха қилиш) ва бошқалар.

Айтиш керакки, Европа эстрада-джаз саксофон ижрочилигига нисбатан Америка ижрочилиги билан Машхурдир. Чунки европа муסיқаси ва сўз талаффуз оҳанглари орасида деярли аниқ чегарани хис этиш қийин. Шу боис ҳам уларнинг ижросидаги муסיқий пардалар сифати турлича бўлиб, айримларини замонавий нота ёзуви орқали муҳрлаш мушкулдир. Хабаш ҳалқининг эстрада-джаз ижрочилиги ва ўзига хос садоланиши ҳақида гапирганимизда яна бир муҳим жиҳатни алоҳида айтиб ўтиш зарур. Бу овоз кучидир. Яъни талқин масаласи.

Европа эстрада-джаз ижрочилиги нуқтаи назаридан бундай кучли синкопалар ғайритабиий кўринади. Лекин кўплаб тадқиқотчилар бу масала хусусида сўз юритганида хабашларнинг қадимий анъаналаридан бири бўлган икки қишлоқ орасидаги қўшиқчиларнинг айтишувларини, ўзаро ҳаракат ифодаларини мисол тарзида келтириш мумкин.

XIX аср охири XX аср бошларида джаз муסיқасида намоён бўлган блюз, спиричуелс ва госпел каби жанрларига саксофон чолғусининг кириб келиши катта таъсир кўрсатган.

Қайд этилган жанрларда ифодавий ижро воситаларининг анъанавий европа муסיқий ифода техникасига нисбатан кенгайганлиги кузатилади. Хусусан, Америка ижрочилиги ва европа ижро йўлига хос муסיқий ифода воситаси глиссандо, синкопа, синиқ усуллар (полиритмия), овозни тўлқинлантириш ва турли ижро этиш ҳамда, турли чолғулар садоланишига тақлид яъни ўхшатиш каби хусусий ижро техникалари билан бойитилади.

Ўзбек эстрада-джаз муסיқасининг шаклланиши ва ривожига ҳам саксофон чолғусининг катта таъсири бўлган. Бу ҳолат джаз муסיқаси шаклланишининг илк даврида фаолият юритган джаз созандалари ижросидаги асарларда муסיқа йўлларига, ижрочилари эса ўз бадиҳаларида чолғу ижро услубларига тақлид этганликлари кузатилади. Бу каби айтим тақлид услуби соҳа атамасида скет деб ном олган. Одатда, бу услуб джаз асарининг ўрта қисмида ижро этилиб, созанда ижросига хонанда тақлид қилади. Ҳозирги кунда ойнаи жаҳон орқали намоий этилаётган джаз концерт дастурларида бу анъана сақланиб қолинган.

Унда ижрочи маълум маънога эга бўлмаган импровизация, ёки бир мавзу асосида ўз муסיқий бадиҳасини қуради. Эстрада чолғу ижрочиси эса бир квадрат ёки мавзунини бадиҳа этиб, маълум муסיқий куй давомийлигида оғишма, ритмик ўйинлардан, модуляция каби муסיқий унсурлардан фойдаланади. Мазкур услубни джаз вокал ижрочилигида илк бор Луи Армстронг 1926-йилда хонандалик ва труба чолғусида қўллаган. Шундай қилиб, АҚШ муסיқа маданиятининг ўзига хос оммабоп чолғу ва айтим жанрлари шаклланди. Ушбу эстрада – джаз жанри кучли оммавий ахборот коммуникация тармоқлари фаолияти билан ўзга маконларга, дунё бўйлаб ёйилди.

Жаҳон муסיқа оламида кенг ёйилган атамалардан рок, бит, поп ва шлягер каби “енгил” муסיқалардан фарқли ўлароқ ўзбек муסיқий маданиятимизда асосан “эстрада” атамаси “енгил” муסיқа маъносида қўлланиб келмоқда. Бугунги кунга қадар мавжуд эстрада-джаз жанри таснифоти, унинг турдош жанрлар бўйича аниқ хусусиятлари деярли аниқланмаган. Бу каби масалалар жанр ўрганишда бирламчи ва асосийлар қаторида туради.

Юқорида эстрада-джаз тамойилларига асосланган жанр масаласи билан шуғулланган муаллифлар ва уларнинг тадқиқотларда акс эттирилган барча кузатувлар биз учун шундай хулоса чиқаришга асос беради: Джаз тамойилларига таянган жанр XX асрда бошқа жанрлар каби ўхшаш жараёнларни бошидан кечирди. Классицистик қонун-қоидалар ўз кучини йўқотган бир вақтда, услубан хилма-хиллик, ранг-баранглик, маълум аниқ турғунлик бўлмаган бир даврда XX аср муסיқа санъати жанр тузилиши ва шакл кўриниш йўллари топиб келди. Айниқса Америка джаз муסיқаси номи билан машҳур бўлган йўналиш турли мамлакатларда ўзга номлар билан илдиз отди. Унинг асосида табиатан енгил турфа муסיқий йўналишлар пайдо бўлди. Бу турдаги муסיқа йўналишлари эса жаҳон муסיқа оламида хилма-хил атамалар билан юритила бошланди. Уларга XX аср бошларида пайдо бўлган рок, бит, поп муסיқа, “Енгил” муסיқа ва бошқалар мисол бўла олиши мумкин. 1917-йилда Россияда тўнтарилиш натижасидаги сиёсий ўзгариш, жаҳоннинг икки лагерга – капитализм ва социализмга бўлиниши барча соҳани ўзига мослаб қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Юқорида қайд қилинган муסיқий йўналишларни социализм “Эстрада” деб номлади. 1924-йили ташкил топган бизнинг Республикамизда ҳам бу йўналишдаги муסיқа санъатини белгиловчи “Эстрада” атамаси қўлланилди.

Ҳозирги кунда ҳам ёши улуг кекса эстрада чолғу ижрочиларимиз XX асрнинг кескин муаммоли вазиятларида эстрада-джаз жанрида беркитиб, ёпиқ жойларда импровизация ва жемсейшинлар ўтказганларини ёдга

оладилар. Ўзбекистон эстрада мусиқа санъатида ҳозирги кун назари билан караганда долзарб ва ўта муаммоли вазифалар устуни ва ўзига хос ютуқлар мавжуд. Ўзбекистон Давлат Консерваториясида эстрада ижрочилиги соҳасида илмий тадқиқот ишлари саноқли даражада бўлиб бу борада илмий изланишлар вақт ўтган сайин ўз йўлини топмоқда. Ушбу магистрлик диссертация ишимизнинг ўзбек эстрада мусиқасида саксофон ижрочилиги жанрининг кириб келиши босқичида, унинг илмий-изланиш жараёнида ўзбек эстрада ижрочилиги тарихини ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Тарихга назар ташлар эканмиз 1957-йил Республикаимизнинг мусиқа ҳаётида янги оқим пайдо бўлди. Бу жаҳон фестивалининг лауреати хонанда Ботир Зокировнинг номи яшин тезлигида элга таралди. Айниқса, унинг ижросидаги «Арабча танго» кўшиғи тингловчиларни мафтун этиб, халқнинг севимли, арзанда хонандасига айланди. Ботир Зокиров ижросида янги-янги кўшиқлар пайдо бўла бошлади. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи эса, унинг ҳар бир чиқишини сахнада, радио ва телевидения орқали орзиқиб кутар эди. Ботир Зокиров ҳақида гап-сўзлар, турли-туман дostonлар пайдо бўла бошлади, унинг ўпка хасталиги билан оғриб, шунчалик дард билан куйлаши, мухлисларда унга нисбатан раҳмдиллик, куюнчаклик, афеус аломатлари сезилиб турар эди. Бу албатта эстрада соҳасининг юксалиши сифатида қайд этилди. Хонанда Б.Зокиров ижросидаги эстрада кўшиқларини моҳир ижрочилик билан талқин этган ижрочилар айнан, эстрада ижрочилик намояндалари саналади. Ботир Зокировнинг номи тез орада қардош республикаларда, собиқ СССР ва жаҳон бўйлаб таралди ва тингловчиларни ўзининг сеҳрли кўшиқлари билан тобора эътибор тортди. Санъатнинг ушбу жанрини бизнинг ўзбек халқимиз қабул қилгандан сўнг, 1959-йили «Ўзбекистон» эстрада оркестри ташкил этилди ва оркестрга композитор Ян Френкел дирижёр этиб тайинланди, Ботир Зокиров эса бадий раҳбарлигини ўз зиммасига олди.⁵

⁵ Ғ.Холиқов – “Эстрада оркестр ва ансамбллар учун асарлар”, Т.: “Турон - икбол” 2006

Эстрада оркестрида саксофон чолғуси ўз ўрнига эга бўлиб, унда мохир созандалар фаолият юритган. Оркестр талантли хонандалардан Луиза Зокирова, Баҳром Мавлонов, Юнус Тўраев, Эсон Қандов, Наталя Нурмухамедова, Исмоил Жалиловлар ижод қилганлар. «Ўзбекистон» эстрада оркестрининг чиқишларини халқимиз орзиқиб кутишар эди. Шу билан биргаликда 1964-йили Ўзбекистон радио ва телевидениясида ҳам қобилиятли дирижёр, эстрада-джаз пианисти, оранжировкачи Э.П. Живаев раҳбарлигида катта эстрада оркестри ташкил этилди. Хонандалардан Муҳаббат Самаева, Раъно Шарипова, Клара Жалилова, С. Раҳимов, Алла Иоспе сингари хонандалар баракали ижод қилишиб, эл олқишига сазовор бўлишди. Юқорида айтиб ўтилган оркестрлар жаз мусиқасига яқин бўлиб, кўп овозли, европа мусиқа асбоблари бўлмиш саксофон, труба, тромбон, урма чолғулар, ритм, яъни европа мусиқий ифода воситалари билан бойитилиб, қўшиқларга чиройли оранжировкада алоҳида жозоба бахш этар ва тингловчиларни ўзига ром этар эди.

Ҳозирги кунда жанрларнинг кўп эканлиги эстрада санъатига ёшларимиз орасида қизиқиш тобора авж олишидир. Турли-туман гуруҳлар пайдо бўлиши ёш мустақил Ўзбекистонимизнинг номини жаҳон миқёсида элга танитиб, обрўсини оширмоқда. Сўнгги даврдаги эстрада санъати ривожига назар солсак, қисқа давр ичида Ўзбекистонда мисли кўрилмаган даражада эстрада хонандалари эл орасидан отилиб чиқди. Козим Қаюмов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Кумуш Раззоқова, Мансур Тошматов сингари хонандалар Ўзбекистон эстрада санъати ривожланишида жуда катта хизмат қилишмоқда. Эл олқишига сазовор бўлган, хизмат кўрсатган «Ялла» ансамбли Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров раҳбарлигида ҳанузгача катта муваффақият билан тинмай ижод қилиб, халқимизнинг севимли санъаткорларига айланиб кетган. Ўзбекистонда эстрада санъати ривожига катта ҳисса қўшган кекса композиторларни эсга олиш лозим: Мутаваккил Бурҳонов, Манас Левиев, Икром Акбаров, Сҳариф Рамазонов, Ғофур

Қодиров, Сайфи Жалил, Энмарк Салихов, Х. Изомов, Эдуард Қаландаров ва ўрта, ёш авлод композиторларидан Алишер Икромов, Дони Илёсов, Анор Назаров сингари ижодкорлар ҳам баракали ижод қилиб, гармония, оранжировкада янги талқин, янги изланишда меҳнат қилишмоқда.

Мархум Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ҳам эстрада жанрининг ривожланишида яқиндан ёрдам бериб келганлар. Республиканинг барча вилоятларидаги санъат билим юртлирида эстрада бўлимлари очилиши, Тошкент шаҳрида эстрада коллежи ташкил этилиши, 250 дан ортиқ Болалар мусиқа санъати мактабларида эстрада хонандалиги ва эстрада ижрочилиги (саксофон, фортепиано, гитара, урма-зарбли чолғулар, дамли чолғулар) бўлимларининг очилиши шунинг ёрқин далилидир.

Эстрада санъати Ўзбекистон ёшларининг шаклланишида, дунё миқёсида тафаккурларининг ривожланишида, уларни жаҳон сивилизацияси билан тенгма-тенг қадам босишида хизмат қилади. Эстрада қўшиқларида куйланадиган қўшиқлар, рақслар, клиплар, либослар, артистизм, қўшиқларнинг матни кундалик ҳаётимизнинг мазмунига мазмун қўшади, ер шарининг барча мамлакат ёшлари билан боғлайди ва ҳаёт, яшаш тарзини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда бизнинг эстрадамизда эстрада ижрочиларининг сони кундан кунга кўпайиб бормоқда, аммо, ачинарлиси шундакики, уларнинг аксарияти мусиқий билимга эга бўлмаган, машқларидан беҳабар ва шу билан бир қаторда ўз ижро услубига эга бўлмаган ҳаваскорлардан иборатдир. Бугунги кунга келиб юртимизда нафақат санъат, балки, бошқа соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, агарда ҳар бир киши ўз иқтидорига қараб касбини тўғри танласа, ўйлайманки бундай ачинарли ҳолатларга чек қўйилади. ва бу ўз навбатида юртимиз маданияти ва нуфузининг янада юксалишига сабаб бўлади.

Эстрада жанрида саксофон чолғуси дастлабки пайтларда унинг қўлланиши доираси ниҳоятда кенг бўлганлиги билан тавсифланади. Бу хусусда қуйидаги фикр-мулоҳазалари эътиборга молик: “Ёрқин, ранг-баранг,

кескин ўзгаришлар асосида тузилган, аммо ўзаро боғланмаган эстрада концерти амалда барча бадий ижодиётнинг назм ва мусикадан то циркгача қарийб барча турлари намуналарини ўз қомига торта олишга “қодир” эканлигини намоён этди. Ва ниҳоят, филармоник концерти ва театр спектаклларида фарқли ўларок, томошабин ва артистлар орасидаги ўзига хос мулоқот, енгил боғлиқлик каби сифатлар эстрада санъати ижрочилик табиатининг асосига айланди. Шу жумладан, томоша жараёнида тингловчи билан доимий, бевосита боғлиқ бўлиш ҳолати ўзига хос конференс каби эстрада жанрининг юзага чиқишига ҳам сабаб бўлди”. “Эстрада” атамасини саҳнавий санъат кесимида таҳлил этарканмиз унинг белгиловчи омиллари, фазилатлари сифатида “жонли, ўзига хос содда мусикий шакллар, гоҳида муаллифларнинг ёрқин, шунингдек, жўнлаштирилган интонацион айланма ҳамда “оммавий” рақсбоп усулларга ёндашувлари”ни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу фикрлар ўзбек мусиқа маданиятининг, асосан, 1920-1950-йилларига тааллуқлидир. XX аср бошларида ўзбек мусиқа санъатида кескин янгилашлар даври бўлганлигининг тарихий сабаби шунда деб билиши лозим. Янги ижтимоий-сиёсий вазият тақозоси билан Европа мусиқа маданиятига хос бастакорлик ижодиёти ва шу билан бирга, янги концерт шакллари юзаша кела бошлади. Айнан шу муносабат билан миллий мусиқа санъати дарғалари ҳам “Эстрада” тушунчасини маданий муамаламизга кириб келишига тўсқинлик қилмади десак, ҳато бўлмайди. Дастлабки йилларда жамият ҳаётини сиёсийлаштириш, кенг омма онгига таъсир ўтказиш мақсадида бадий ижодиётнинг тарғиботи орқали эришилди. Бунда энг қўл келган жанрлардан бири эстрада ижрочилиги бўлди. Анъанавий ўзбек кўшиқлари, ялла-лапарлар, оилавий шарт-шароитлардан жамиятнинг сиёсий саҳнасига олиб чиқилиб, дастлаб мавзу жиҳатдан янгиланди, сўнгра шакллари ҳам ўзгара бошлади. Айнан 1920-30 йилларда бу каби кўшиқларни фаол ижрочилари Тамарахоним ва Муҳиддин Қори Ёқубов ўша кезларда танилдилар. Тамарахоним ижросидаги лапарлар, гарчанд ўз негизида

саҳнавийлик билан тавсифланса ҳам унинг янада саҳнага хослик жиҳатлари бойитилди. Қори Ёқубов билан айтишув тарзида ижро этиладиганлар мазкур жанр яккахон тарзда, навбатма-навбат иэро этила бошланди. Бу каби янгиликлар кўшиқ ва ялла жанрлари ижросида ҳам юз берди.

Ўзбек эстрада мусиқаси шаклланиши жараёнида саксофон учун анъанавий халқ мусиқа намуналари қайта ишлаш, мослаштириш муҳим замин бўлган. Бунда асосан, уларнинг раксбоплиги, енгил оханг усулларда ижро этилгани кўл келган. Айни пайтда бу ҳолат ўзбек эстрада мусиқасининг миллийлик асосини ҳам таъминловчи муҳим воситалардан бири бўлди десак, тўғри бўлади.

Айтиб ўтиш керакки Мустақиллик давримиздан бошлаб саксофон учун яратилган санъат асарлари, куйлар халқ орасида кенг тарқалмади. Лекин, барча санъат турлари каби оммавий маданият ва санъат тури – эстрада хонандалиги ва саксофон ижрочилиги ривож учун янги шароитлар, янги имконият ва тизим жорий этилди. 1996-йил 5-апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирламаси ташкил этилди. 2001-йилда Вазирлар Маҳкамасининг “Эстрада кўшиқчилиги санъатини янада ривожлантириш тўғрисидаги” (2001-йил 26-июндаги 272-сонли) қарори эълон қилинди. Қарорда Республика кенг мусиқий жамоатчилиги вакиллари, эстрада санъатининг таниқли намоёндалари, “Маданият ва маърифат” Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпания, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академия ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов раислигида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тузилди, унинг асосий вазифаси этиб:

эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш;

Замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусиқа санъати маданияти таракқиётидаги ўрни, ғоявий-бадиий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш;

Мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, томоша-шоулар, халқ сайллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга доир тавсиялар таёрлаш;

Миллий эстрада санъатининг мониторингини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган турли анжуманлар, илмий-ижодий симпозиумларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, ўз даврий нашрларини йўлга қўйиш;

Соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларнинг номзодларини давлат мукофотларига тавсия қилиш, ўзининг турли нуфузли мукофотларини таъсис этиш, эстрада намоёндалари, авваламбор, ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш, тегишли ўқув юртларига тавсия этиш ва ҳаказолар кўрсатилган эди. Эстрада санъатини ривожлантириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси тугатилиб, унинг негизида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий мақсад ва вазифаларини адо этадиган хўжалик ҳисобидаги “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бирлашма қошида ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи кенгаши фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори нафақат эстрада қўшиқчилиги соҳасида фаолият юрутувчи субъектлар, балки умуман мусиқа санъати ижрочилиги билан шуғулланувчи гуруҳлар ва яқка шахслар ижодий фаолияти учун кенг йўл очиб берди ва мазкур соҳа вакиллари олдига тегишли вазифалар қўйилди.

Айниқса, санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савиясига қараб “Ўзбекнаво эстрада” бирлашмаси

томонидан махсус рухсатнома (лицензия)лар берилиши айти муддао эди. Бу мазмунан саёз, бадий жихатдан заиф кўшиқларнинг маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатишини чеклаш билан биргаликда, касбий ижрочилик мээрини белгилашда муҳим омил бўлди. Ўз-ўзидан лицензия асосида фаолият юритадиган санъаткорларнинг мақоми касбий ижрочиларга тенглаштирилди. Оддий қилиб айтганда, ҳақиқий ижодга кўмак берувчи ва ривожлантирувчи махсус ташкилот иш бошлади. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудий бўлинмалари фаолиятларига ҳам раҳбарлик қилиши, мазкур ташкилот олдида қўйилган вазифаларни марказлашган тарзда бошқарилишини кўзда тутилганлиги билан биргаликда, бадий-ғоявий яхлитликни таъминлашга ҳам қаратилди. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси билан Анор Назаров, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Аваз Мансуров, Мирҳалил Махмудов, Хуршида Хасанова, Ойдин Абдуллаева, Алишер Икромов, Алишер Расулов, Дони Илёсов, Баҳрулла Лутфуллаев, Дилором Омонуллаева, Султонали Раҳматов каби бастакорларишлади ва улар томонидан яратилган асарлар Мустақиллик, Наврўз, “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Ниҳол”, “Шарқ тароналари”, “Тарона”, “Янги номлар” ва шу каби ўнлаб Ҳалқаро ва Республика кўрик-танловларида, фестивалларда, форумларда, байрамларда, ток-шоуларда ижро этила бошлади, шу билан бирга ҳар бир яратилган асарларда саксофон чолғуси ўз аҳамиятига эга бўлди.

Бугунги мустақиллик замонида, ёшларга берилаётган эътибор ва чексиз имкониятлар пайтида мусиқага, айниқса, эстрадага қизиқиш жуда катта экани барчамизга маълум. Бу яхши, албатта. Эстрада соҳасининг ижодини ёритиш, ёш авлодни эстрада ва джаз асосчилари билан яқиндан таништириш муҳим масалалардандир. Зеро, ёшларга катталарнинг тажрибалари намуна вазифасини ўташи айти ҳақиқат ва уларнинг мусиқий мерослари муҳим ўрин тутди. Эстрада умуминсоний, миллий қадриятларга бой ғоя ва эстетик гўзаллик уйғунлашуви натижасида турли хил синтезларга учрамоқда.

Хозирги кунда замонавий техникалар ёрдамида жаҳон эстрада-джаз жанрида мусикий ифода воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Шу билан бир каторда жаҳоннинг йирик композиторларининг ижодлари билан танишиб, ижод маҳсуллари таҳлил этиш мароқли. Ушбу ўрганиш жараёнида XX асрнинг джаз йўналишида йирик ва буюк ижодкор ва ижрочилари Дж.Гершвин, Ч.Паркер, Оскар Питерсон, Рэй Чарлс, Луи Армстронг, Френк Синатра, А.Гиллеспиларнинг джаз тамойилларини замонавий диалогистика орқали тадқиқ этгани маълум. Композиторларнинг ижодида мазкур жанрининг талқини ва ривожини борасида киритилган янгиликларда тўхталиб, ёритиб берсак. Хусусан, джаз мусиқаси учун хос бўлган карама-қарши антитезаларни эстрада хонандаликда ўрин олиши, мавзу жихатидан жуда ғоявий тафаккурга таянилгани, унинг тадрижий давомийлигига эътибор кучайтирилиши эвазига жанр драматургиясини ўзгариб бориши; шакл ичида кантинелаларнинг ўрни, анъанага итоат қилмаслиги ва ноанъанавий тарзда жойлашуви, уларни ўзгача талқини; оркестр таркибини ишлатилиши, буларнинг бари сўнги авлод композиторлари ижодида давом эттирилишини қайд этади.

Сўнги тарихий босқичларда, хусусан даврнинг йирик композиторларининг ижодиёти билан жанрининг талқин масаласи шак - шубҳасиз санъатшунослар қизиқишини уйғотиб келади. Бу борада илмий тадқиқотлар, жумладан, диплом ишлари, магистрлик диссертациялари ёзилиши эътиборга моликдир. Бироқ, уларнинг асосан “муаллифлик” йўналиши эстрада-джаз тамойилларига асосланган жанрининг XX асрдаги умумий тавсифини беришга ожизлик қилишини таъкидлаш жоиз. Бошқа томондан, юқорида берилган шарҳий мақолаларда жанр эстрада ижрочилиқда деярли джаз таркибига сингиб кетиши, унинг мусиқаси билан қоришиб тадқиқ этилаётгани, икки жанр орасидаги ўзаро таъсир ва фарқ қилувчи қирраларини яққол очиб ва ҳар бирини эволюцион тадрижий босқичларни аниқлаб беришга тўсқинлик қилди.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, ўзбек эстрада мусиқаси ва жаҳон эстрада мусиқаси ижодиётида саксофон чолғуларнинг келиб чиқиши, унинг тарихи ўзига хос босқичлардан ўтиб келган. Одамзотнинг даслабки ўт ёқишида ҳам икки тошнинг бир-бирига зарб бериб урма-зарбли чолғуларга асос солганлигини тахмин қилиш мумкин. XIX асрга келиб замонавий техникалар асосида саксофон чолғусининг А.Сакс томонидан яратилиши, унинг нотаграфикаси юзага келиши, чолғуга мураккаб асарлар яратила бошланганлиги эътиборга лойиқдир. Вақт давомида ривожланиб келган саксофон чолғу гуруҳи Анри Вюиль, Луи Майёр каби машхур ижрочилар томонидан тадқиқ этилган. Кўплаб саксофон ишлаб чиқарувчи корхоналар вужудга келган.

Айтиб ўтиш керакки, XX аср бошларида ўзбек мусиқа тарихида барча мусиқий чолғулари сингари саксофон чолғулари ҳам, хусусан саксофон сопранино, сопрано, альт, тенор, баритон ва контрабас чолғуларининг қўлланиши ва ўз ўрнини топгани аҳамиятлидир. Шу кунга қадар саксофон чолғуси ўзбек мусиқа санъатида ўз ўрни ва мавқеасига эга.

Тарихдан маълумки, саксофон чолғуси оркестр ёки ансамбл таркибида бўлган. Кейинчалик, йирик асарларда ва йирик шаклларга эга бўлган жанрлар орасида опера, симфония, балет каби йирик асарларида қўлланила бошлаган. Марказий осие ва ғарб композиторлари ижодида йирик асарларда фойдаланилган асарлар кузатилади.

Хусусан, саксофон чолғуси кириб келгандан сўнг, ўзбек мусиқасида классик асар ёки яккагон асарлар композиторлар томонидан яратилди.

Шунингдек, ҳозирги кунда унумли ижод фаолиятини олиб бораётган ижодкорлардан Н.Нархўджаев, А.Мансуров, Д.Саидаминова, Ф.Алимов, М.Бафоев, А.Варелас, М.Маҳмудов, Х.Рахимов, Д.Саидаминова, А.Хошимов, О.Абдуллаева, Х.Ҳасанова (Турсунова), А.Ҳасанов, Д.Зокировлар ўзбек мусиқасида ўзларининг ижод намуналари билан тарих зарварақларидан жой

олишмоқда. Уларнинг асарларида саксофон чолғусини қўллашган, аммо, кўпгина композиторлар томонидан яккахон асарлар яратилмаган.

Ушбу магистрик диссертация иши саксофон чолғуларининг хусусияти ва ижодий имкониятлари таҳлиliga бағишланган бўлсада албатта жахон мусиқа ижодиётида кузатилган чолғу тарихи ва чолғу ансамбллар учун яратилган асарлар, мохир ижрочилар ва ижро имкониятлари масаласига ҳам эътибор берилди. Илмий-ижодий нуқтаи назардан хар бир асарнинг умумий шаклини изоҳлаб, унинг техникаси, нотаграфикаси, қўлланиши, жанри ривожи ўрганилиб таҳлил қилинди.

II БОБ

САКСОФОН ЧОЛҒУСИНИНГ ЎЗБЕК ЭСТРАДА МУСИҚАСИДА ҚЎЛЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Ўзбекистон композиторларининг саксофон чолғуси учун яраган асарлари тахлили ва истиқболлари

Ўсмир ёшларни миллий ғоя, миллий муסיқа асосида тарбиялаш ва таълим бериш муסיқа педагогикасининг долзарб вазифасига айланди. Муסיқанинг ғоявий тарбияда тутган ўрни, унинг мазмунини башарият ҳақидаги ғоялар билан янада бойитиш масаласига Шарқнинг буюк алломалари катта аҳамият берганлар. Бугунги кунда аждодларимизнинг таълим-тарбия тўғрисида мерос бўлиб келаётган ёзма манбаларидан устоз, шогирдлик талаблари доирасидаги ибратли қоидаларини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ва улардаги илғор тажрибаларни ҳозирги замон педагогик жараёнларига татбиқ этган ҳолда таълим-тарбия ишларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек миллий муסיқа ижрочилиги, созандалик санъати асрлар давомида *“Устоз-шогирд”* анъанасига асосида сайқал топиб ривожланиб келмоқда. Шундай анъанани ярата олган ва ўз мактабини яратган устоз Баходир Муртазаевдир. Устоз санъаткор фаолияти давомида кўплаб эстрада ижрочиларига сабоқ бериб, профессионал созандаларни тарбиялаганлар. 1998 йили Баходир Муртазаев раҳбарлигида биг-бэнд оркестри ташкил қилинди. Бу эстрада джаз йўналишидаги бошланғич ҳаракатлар бўлиб йиллар давомида чолғу ижрочиларини сахнага олиб чиқди. Ушбу Биг-бендда фаолият юритган созандалар ҳозирги кунда мохир созанда ва педагоглардир. Улардан Арсен Назарьян, Рустам Артыков, Уткир Абдуллаевлардир.

Баходыр Муртазаев – Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, саксофон синфи асосчиси бўлиб, Абдурашит Алимов, Адим Абдуллаев, Арслан, Босилов Достон каби ёшларни устоз шогирд анъанаси асосида тарбиялаган.

Устоз Баходир Муртазаев тузган "BIGBAND" Республиканинг кўпгина концерт залларида концертлар бериб, тинловчилар олқишига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон эстрада мусиқа санъати ривожини ўзбек эстрада ижрочилиги ва композиторлик фаолияти билан чамбар-час боғлиқдир. Ҳозирги кунда саксофон ижрочилиги санъати учун долзарб бўлиб келаётган мавзулардан бири саксофон учун махсус асарларнинг санокли эканлигидадир. Ушбу мавзу ўта муаммоли вазифалар устунини ва ўзига хос жараённи кўрсатди. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида эстрада-джаз чолғу мусиқасига бўлган қизиқиш тобора ортиб борди, бунда эса саксофон етакчи чолғулардан бири сифатида намоён бўлди. Саксофон чолғу мактабининг шаклланиши, эстрада санъатининг оммалашishiда туртки бўлиши ижодкорларни чолғу учун асарлар яратишида кўмак бўлади. Бунда Баходир Муртазаевнинг хизмати катта бўлиб, у саксофон учун ўқув қўлланма яратганлар ва ноталарни нашр этириб ўз шогирдларига беғараз етказиб берганлар. Устоз шогирд анъанасида ёш мутахассисларни касбий даражадаги ижрочилик кўникмаларини шакллантиришда, саксофон чолғусининг услуб, жанр бўйича билимли бўлиши уларнинг ижро этаётган асарларига ҳам узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Эстрада ижрочилиги” кафедраси очилиши ва саксофон чолғу ижрочилиги йўналиши тадбиқ этилиши маълум даражада катта қадам бўлди. Маълумки, мусиқа мактабларида, санъат коллежлари ва лицейларида, махсус мусиқа мактабларида, Ўзбекистон давлат консерваториясида саксофон синфлари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, ҳар икки йилда ўтказиладиган Республика ёш ижрочилар танловида юзлаб саксофончи ўқувчилар лауреат бўлганлар ва консерваторияга имтиёзли равишда ўқишга кирганлар.

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Эстрада ижрочилиги” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан саксофон ижрочилигида тахсил олаётган талабалар учун Н.Салиев, В.Сапаровларнинг “Саксофониана”

номли ўқув-услугий қўлланма, Рево Маркович Петров ва Ботир Матёкубовлар томонидан мусиқа ва санъат коллежлари учун “Чолғушунослик ва чолғулаштириш” номли ўқув қўлланма яратилган. Кўп йиллар давомида хар йили юртимизда Халқаро джаз фестивали бўлиб ўтади. Фестивалда мохир саксофончилар, пианиночилар, оркестрлар ва чет эллик мутахассислар иштирок этадилар. Ушбу фестиваларда ва танловларда асосан чет эл композиторлари яратган асарлар ижро қилинади ёки саксофон учун мослаштирилган асарлардан ижро этилади. Бугунги кунда саксофон учун яратилган асарлар салмоқли эканлиги ачинарлидир. Хар йили сахнада Н.Нархўжаев, В.Сапаров каби композиторларнинг асарлари чалинади холос. Ушбу диссертация ишида юқорида таъкидланган композиторлардан бошқа чет эл ва ўзбек композиторларининг асарларини топиб, уларни тахлил қилишга ҳаракат қилинди.

Ўзбек мусиқа санъатида саксофон чолғусининг истиқболи декганда, айнан чолғунинг техник имкониятлари, ифодавий воситалари, миллийлик хусусиятларини ўзида жам этган асарларга асосланган танлов фестиваллар ва илмий ўқув-услугий дарсликларда деб ҳисобласа бўлади. Сабаб, мактаб ўқувчиларини миллийлик руҳида эстетик тарбиялаш ва жаҳон мусиқа дурдоналарини катта сахналарда ижро этиб тарғиб этиши рухлантиради ва ўз самарасини беради. Шу аснода ўзбек композиторлари асарларидан саксофон учун репертуар масаласи ўз ечимини топади.

Шунга кўра диссертация ишида шу кунга қадар ўзбек композиторлари томонидан яратилган асарларнинг тахлили ва таснифи баён этилади. Асарларнинг мавзуси, шакли, техник ҳаракатлари, фактураси, гармоник тузулмалари ва миллийлик хусусиятлари ўрганилди. Шу жумладан Валерий Сапаровнинг саксофон ва фортепиано учун “Ю.Саульскийнинг хотирасига” номли балладаси, унинг сопрано саксофон ва фортепиано учун “Вариациялар”, Альт саксофон ва фортепиано учун Сонатина, ўзбек халқ куйлари асосида альт саксофон ва фортепиано учун “Қари-наво” каби

асарлари, Н.Нарходжаевнинг алт саксофон ва фортепиано учун “Шабада” асари тахлил этилди.

Таниқли композитор Н.Норходжаевнинг саксофон алт ва фортепиано учун яратган “Шабада” асари Allegretto суръатида бўлиб, 4/4 саноғида ёзилган. Асарнинг руҳияти ва ладо-гармоник тамойилларига кўра эстра-джаз услубида яратилган деса бўлади. А-moll тоналлигида ёзилган ушбу асар кўпгина оғишма ва ладлар асосида янграйди. Саксофон чолғусининг кўпгина ижро имкониятларини ўзида жам этган. Фортепиано кириш қисмидан бошланиб, у джаз услубига хос пунктирли ритмлар асосида янграйди. Шунингдек, гармоник жihatдан джаз мусиқасига хос септаккордлар, кўшимча бешинчи ва олтинчи босқичлар ёрдамида харакатланади. Асар оддий бир қисмли шаклда ёзилган бўлиб, унда бош мавзу, ёрдамчи мавзу, ривожлов ва репризадан иборат. Кириш қисмида тўрт такт фортепиано бошласа, сўнгра тўрт такт саксофон чолғуси асар номидан келиб чиққан ҳолда “Шабада” руҳида ўн олтиталик нота товушлари мисолида янграйди. Ушбу харакатлар саксофон чолғусида айнан бўлмасада, мусиқий элементлари кузатилади. Яъни саксофон чолғуси фортепианодан сўнг унинг мусиқий тузилмаларидан мантиқий давом сифатида қўлланилган.

Нота мисоли: №1

"ШАБАДА"
("ВЕТЕРОК")

Н.Нарходжаев
аранжировка В.Сапарова

Allegretto (♩=85-88)

Aalto Saxophone

Allegretto (♩=85-88)

Piano

Кўриниб турибтики, горизонтал характдаги куй йўли биринчи гармоник тузилма нота товушларидан иборат. Чап қўл пунктирли харакати эса джаз услубига хосдир. Биринчи тактда ля минор септаккорди қўлланилса, иккинчи тактда субдоминанта босқичига қўшимча товушлар қўшилиши натижасида, (олтинчи ва иккинчи босқич товушлари) нонаккорд ва мажор-минор уйғунлигини кузатиш мумкин.

Нота мисоли: №2

The image shows a musical score for two instruments: A. Sax. (Alto Saxophone) and Pno. (Piano). The score is written in 4/4 time and features a key signature of two sharps (F# and C#). The saxophone part begins with a melodic line in the second measure, marked with a forte (f) dynamic. The piano accompaniment consists of chords and rhythmic patterns in both hands, with some notes marked with accents (v) and slurs.

Асар тонал жихатдан ля минор тоналлигида бўлишига қарамай, композитор ноанъанавий ҳолда ре диез товушидан хроматик тарзда бошлаган. Саксофон чолғусида ушбу харакатчан кириш қисм чолғунинг техник харакатчан имкониятларини намоён этади.

Нота мисоли №3

The image shows a musical score for two instruments: A. Sax. (Alto Saxophone) and Pno. (Piano). The score is written in 4/4 time and features a key signature of two sharps (F# and C#). The saxophone part features a melodic line with slurs and a final note marked with a fermata. The piano accompaniment is mostly silent, with a few notes in the right hand marked with a 'ciss.' (crescendo) dynamic.

Бош мавзу биринчи рақам остида бошланиб, саксофон чолғусининг икки турдаги техник имкониятларини ўзида жам этган. Чолғунинг чўзимли товушлари ва майда чўзимли, харакатчан товуш йўлидан иборат. Эътибор бериш керакки, асар кириш қисмида турғун товушдан бошланмаган эди, бош мавзу эса турғун, асосий товушдан, ля товушидан бошланган.

Нота мисоли: №4

The image displays two systems of musical notation for an Alto Saxophone (A. Sax.) and Piano (Pno.). The key signature is one sharp (F#) and the time signature is 4/4. The first system features a first ending bracket labeled '1' over the saxophone part, which concludes with a double bar line. The piano accompaniment consists of a steady eighth-note bass line and chords in the right hand. A '8va' marking is present above the piano part. The second system continues the saxophone melody with various articulations and slurs, while the piano accompaniment maintains its rhythmic pattern. Another '8va' marking is visible above the piano part in the second system.

Мавзу куйчан ва харакатчан бўлиб, ўзаро сакрашлар ва ритм асосида ифодаланган. Фортепиано партияси джаз услубига хос синкопалар орқали жўр бўлади. Жўргавозда ритмик харакатнинг эстрадалик хусусияти, ўзгариб бориши, тўхталишлари янада тингловчиларнинг диққатини жалб этади. Фортепиано партиясида аккордоарнинг хроматик йўли асосланган бўлиб, мавзуни давом эттиришда боғловчи вазифасини бажаради. Ушбу ҳолатни джаз услубида ижод қилувчи кўпчилик композиторларнинг ижодида кузатиш мумкин. Мавзунинг ядроси сифатида биринчи тактнинг ўзини мисол

тариқасида олиш мумкин. Чунки, қолган тактлар айнан биринчи тактнинг мусиқий ифода воситалари асосида тузилган. Яъни вариантлари, мантиқий давоми ҳисобланади.

Нота мисоли: №5


The image displays two systems of musical notation. The top system features an Alto Saxophone (A. Sax.) part in the upper staff and a Piano (Pno.) part in the lower staff. Both parts are marked with a mezzo-forte (*mf*) dynamic. The key signature is two sharps (F# and C#). The saxophone part begins with a melodic line, while the piano accompaniment consists of chords and rhythmic patterns. The bottom system continues the same musical material, showing further development of the saxophone melody and piano accompaniment.

Юқорида таъкидланганидек, мавзу иккита мусиқий ифода воситалари асосида давом этади ва гармония, динамик жихатда ўзгариб боради. Ушбу бешинчи нота мисолида кўриниб турибтики тўртинчи тактда доминант септаккорд қўлланилган. Ушбу ҳолат тўртинчи нота мисолида ҳам мавжуд. Гармоник жихатдан кўп ҳолларда хроматик юриш, септаккордлар, нонаккаордлар, қўшимча товушлар ритм ёрдамида ифодаланган. Мавзу динамик нуктаи назаридан яккахон ва жўрнавон ўртасида мутаносиб қилинган.

Асар руҳияти гармония, ритм, фактура ва мавзу жихатдан куйчан, жўшқин ва ифодавий баён этилган.

Иккинчи рақамдан бошлаб мавзунинг ривожини бошланиб, унинг фактураси ва гармонияси ўзгармаган. Музикий йўли полифоник жихатдан ўзгартирилган.

Нота мисоли: №6



Фортепиано чап қўл фактураси джаз услуби Буги-вуги услубида баён этилган. Ушбу мавзунинг мантиқий давоми деярли такрорланганлигига сабаб, мавзунинг тасдиқлаш, уни тинловчиларнинг онгига сингдириш, фикрни ифодали баён этилиши учун қўлланилган деса бўлади.


Мавзунинг риволов қисмида қолган тўрт такт ўзгартирилган бўлиб, динамик ўзгариш ва ижро услублари қўлланилган.

Асар давомида ҳар бир рақамда даврия шаклига хос ўзгаришлар рўй беради. Регистр, куй йўли, гармония ва штрихлар ўзгаради. Ижодкор асарга нисбатан оддий бир қисмлиқ соната шаклини сақлаб қолган бўлиб, унда милликлий хусусиятлари кузатилади. Миллийлик хусусияти кўп ҳолларда ижрочининг ижросига, талқинига (интерпретация) боғлиқдир.

Агарда асарнинг ноталари ижро этилса миллийлик қиёфасини йўқотади. Тактма-такт ифодали эитб, ўзгача талқинда ижро этилса миллий руҳида янграйди.

Мавзунинг давомида композитор саксофон чолғусида глиссандо каби мусиқий ижро воситаларидан фойдаланган.

Нота мисоли №7



Эътибор бериш керакки, ха бир рақамдан бир такт олдин композитор доминант септаккорд орқали кейинги рақамга ўтган. Асарнинг учинчи рақмида композитор тўртинчи босқичда қуйи регистрдан фойдаланган. Фортепиано партиясида худди аввалгидай ритмик ҳаракат давом этиб, фақатгина гармоник нуқтаи назардан шаклланиб боради. Ушбу даврия кенгроқ баён этилган бўлиб, ундан сўнг тўртинчи рақамга фортепианодаги боғловчи мусиқий тамойил билан ўтади. Мавзунинг мантиқий давомида полифоник тўхталмалар қўлланилган.

The image displays two systems of musical notation. The first system includes a staff for Alto Saxophone (A. Sax.) and a grand staff for Piano (Pno.). The saxophone part features a triplet of eighth notes marked with a '3' in a box. The piano accompaniment consists of chords and a bass line. The second system continues the saxophone melody and piano accompaniment. The key signature has two sharps (F# and C#), and the time signature is 4/4.

Айтиб ўтиш керакки асар ўз характеридан келиб чиққан ҳолда эстрада-джаз муסיқий омилларига бойдир. Ижодкорнинг нота ёзув услубини кузатилганда гармоник жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, шаклан лейтмотивлар билан янграйди. Асар давомида ўрта қисмида чолғу Блюз жанрида айнан хос ва мосдир. Умуман асар руҳияти мелодик куйчанлик, ритмик ўзгарувчанлик, эстрада-джаз муסיқий омилларига ёғрилгани таҳсинга лойиқ. Ушбу асарни саксофон чолғу ижрочилари мароқ билан ижро этадилар.

Биринчи қисмнинг №3 рақамида ривожлов бўлиб янграйди. Унда овоз ва фортепиано жўрлигида кузатиш мумкин. Якканавознинг ўзига хос ижроси, талқини блюз жанри хусусиятлари билан янада бойитилган.

Хар ибр тактда мусикий ифода воситаларининг механизмининг, кетма-кетлигини такрорий эканлигини кузатиш мумкин.

Нота мисоли №9



Фактура жихатдан мураккаб бўлмаган ушбу давриядан сўнг ритм, асар суръати, фактураси ва ижро йўллари ўзгаради. Демак, асарнинг овоз йўли хусусияти ва ижро талқини, интерпретацияси ҳам, овоз тембри ҳам ўзгариб боради. Чолғу ва фортепианонинг ўз йўли ва импульси бир-бирига монанддир. Санокнинг 4/4 бўлиб бориши кейинчалик ладнинг ўзгариши асарда томошабинларнинг диққатини тортади ва суръатини, рухий-драматик ҳолатини жадаллаштиради.

Асар давомида замонавий нота ёзувига хос унсурларни, методларни ўрганиб унга алоҳида тўхталиш лозим. Чунки профессионал замонавий мусиқа нота ёзувларига ўхшаш бўлиб, ижро жараёнида чолғу ижрочиларига қулайлик яратиб беради.

The image displays two systems of musical notation for an Alto Saxophone (A. Sax.) and Piano (Pno.). The key signature is two sharps (F# and C#). The first system shows the saxophone playing a melodic line with slurs and ties, while the piano accompaniment consists of chords and rhythmic patterns in both hands. The second system continues this musical material, with the saxophone playing a more active melodic line and the piano providing harmonic support.

Нота ёзувида №10 кўриб чиқиш лозим бўлган нота ёзуви айнан талқин сифатида мисол келтиришимиз мумкин. Аввалом бор дамли чолғуларнинг ритмик харакатчан вазифани ижро этиши, флейта ва гобой чолғулари ёзувига нисбатан ўз қиёфасига эга чолғулардандир. Фортепианонинг бир нота каторида эканлиги, гармоник жўр вазифасида эканлиги, ритм аниқ ёзилганлиги ва бас вазифасини ижро этиши ҳар бир чолғунинг вазифалари тўғри ажратиб берилганлигидан дарак беради.

This image shows a continuation of the musical score for A. Sax. and Pno. It includes performance markings such as *mf* (mezzo-forte) and *leggiero* (light). Above the saxophone staff, there is a tempo and style marking: **4** (swing) $\text{♩} = \text{♩}$. The piano accompaniment continues with chords and rhythmic patterns, maintaining the harmonic structure established in the previous systems.

Нота мисоли №11

Надим Нарходжаевнинг “Шабда” асари эстрада-джаз жанрининг барча услубларига оид десак муболага бўлмайди. Чунки, композитор ушбу асарнинг ҳар бир лавҳасида услубнинг номи, ритми, динамикаси, руҳияти ҳақида ёзиб ўтган. Мисол тариқасида асарнинг № 4 рақмида “Свинг” (swing) деб услуб ва асар суръатини белгилаб берган.

Нота мисоли №12

№ 4 рақам остидаги мусиқий йўл асарнинг рухияти ва шаклига рухий таъсир этади. Свинг услуби янада бежиримлик ва жило олиб келади. Саксофон чолғу ижроси билан жўнавоз жўрлик қилади. Ушбу бўлим номига монанд бўлиб джазовой аккордлар билан бойитилган. Айтиш керакки, ритмик жиҳатидан Америка Қўшма Штатининг Голливуд композиторларининг бир қанча намоёндалари асарларида кузатиладиган ритм асосида яратилган ўҳанг композитор Н.Нарходжаев асарларида ҳам учрайди.

Нота мисоли №13

Бу бўлимнинг овоз йўлининг талқини кўпроқ яккахон сонандага боғлиқ. Чунки, ушбу услубда, яъни свинг услубида ижро этиш, услубни, ритмни ҳис этиш, рухий ҳолатига киришиб талқин этиш маҳорат талаб этади.

Нота мисоли №14

The image shows two systems of musical notation for Example 14. Each system includes a staff for the Alto Saxophone (A. Sax.) and a grand staff for the Piano (Pno.). The A. Sax. part features a melodic line with slurs and triplets. The Pno. part consists of chords in the right hand and a bass line in the left hand.

Овоз йўлининг ҳаракати жумлалардан иборат эканлиги, жумлалардан сўнг оҳангдакичик квинта, терция интервалларига сакрашлар учрайди. Бу асарнинг ўзига хос йўлидир.

Нота мисоли №15

The image shows two systems of musical notation for Example 15. Each system includes a staff for the Alto Saxophone (A. Sax.) and a grand staff for the Piano (Pno.). The A. Sax. part features a melodic line with slurs and triplets. The Pno. part consists of chords in the right hand and a bass line in the left hand.

A. Sax.

Pno.

This musical score shows a saxophone part with a melodic line and a piano accompaniment. The piano part features a bass line with eighth notes and chords, and a treble line with chords and triplets. The key signature has two sharps (F# and C#).

Узлуксиз оҳангдорликнинг кучсиз хиссаларда ижро этилиши эса асарнинг жанрлик хусусиятини кўрсатиб беради. Свинг услубига хос ушбу ритмик, мелодик оҳанглар ўзбек мусиқасидан йироқ эмас, балки, ўзбек мусиқасига хос оҳанг йўллари ҳам мавжуд.

Нота мисоли №16

A. Sax.

Pno.

This musical score shows a saxophone part with a melodic line and a piano accompaniment. The piano part features a bass line with eighth notes and chords, and a treble line with chords and triplets. The key signature has two sharps (F# and C#).

Шуни такъидлаб ўтиш керакки ўзбек миллий эстрада мусиқасида джаз услубига хос оҳангдошликлар учрайди. Шулардан Эдуард Қаландаровнинг “Ёшлигим”, Тонг навоси” ва бир қанча джаз-свинг услубига хос оҳангдорликларни кузатиш мумкин.

Ушбу нота мисолдан кўриниб турибтики фактура ва ритмик синкўпалар ўзгарган. Якахон чолғунинг пасдан юқорига ва тепадан пастга бўлган ҳаракатлари асар интонациясини ранг-баранг этиб кўрсатади.

Нота мисоли №17

The image displays two systems of musical notation for an Alto Saxophone (A. Sax.) and Piano (Pno.). The key signature is G major (one sharp) and the time signature is 4/4. The saxophone part features melodic lines with triplets, slurs, and dynamic markings like 'v'. The piano accompaniment consists of chords in the right hand and a steady bass line in the left hand.

Ҳозирги кунда жанрларнинг кўп эканлиги эстрада санъатига ёшлар орасида қизиқиш тобора авж олишидир. Турли-туман чолғу гуруҳлар пайдо бўлиши ёш мустақил Ўзбекистонимизнинг номини жаҳон миқёсида элга танитиб, обрўсини оширмоқда.

Шу маънода Н.Нарходжаевнинг “Шабда” асарини чолғу ансамблларида ижро этиш ҳам мумкин. Чунки, асар услуби, жанри ва куй йўли тингловчилар диққат эътиборини албатта жалб этади.

Свинг услуби доимо ўз тингловчиларига эга бўлган. Ушбу асарда ўз кифасини топган деса бўлади. Ўзбек мусикасида бундай услубда ижод қиладиган композиторлар саноклидир.

Нота мисоли №18

The image displays two systems of musical notation for an ensemble consisting of an Alto Saxophone (A. Sax.) and Piano (Pno.). The music is written in a key signature of two sharps (F# and C#) and a 4/4 time signature. The saxophone part features melodic lines with triplets and slurs. The piano accompaniment provides harmonic support with chords and a consistent bass line.

Аввалом бор ушбу асар классик шаклда ёзилган бўлиб ўз маъно-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мусика ёрдамида бадий жихатини намоён этади. Асарнинг ансамбл талқини намоён бўлиши керак. Лекин, ушбу жихатни ёритиб беришда чолғу ижрочисига кўп нарса боғлиқдир. Чунки, доимо чолғу ижрочилари асарнинг услубидан келиб чиқиб ўзлари бадиҳагўйлик қилганлар.

The image displays a musical score for two instruments: A. Sax. (Alto Saxophone) and Pno. (Piano). The score is written in G major (one sharp) and 4/4 time. It consists of two systems of music. The first system shows the saxophone playing a melodic line with triplets and slurs, while the piano provides harmonic accompaniment with chords and moving bass lines. The second system continues the saxophone melody with a fermata and a final note marked with a '7' in a box, and the piano accompaniment with a 'mf' dynamic marking and a final note marked with a '7' in a box. The score ends with a double bar line and a '8vb' marking.

Н.Нарходжаевни “Шабда” асарини таҳлил этарканмиз муаллифнинг куй йўлиги, фактура ва гармониясига эътибор бериш лозим. Ушбу асарни оркестр жўрлигида, яккахон хонандалар ижросида ва турли хил таркибдаги ансамбллар ижросида ижро этиш мумкин. Ва уларнинг барчаси ўзгача талқин ва ўзгача маҳорат билан ўз маромида янграйди. Чунки, асар оригиналлиги билан барча таркибдаги ансамбл ва оркестрлар учун қулай ёзилган. Айтиш керакки ушбу асар Биг бэнд оркестри ижросида ўзгача янраган бўлар эди, лекин кўпчилик тингловчиларнинг миллий эстрада симфоник оркестри ижросида янграб хотирасида ёрқин, жарангдор, кучли куйчан руҳиятдаги образини кўз олдида қолдирган. Асар давомида гармония, ритм, ва оҳангларнинг ўзгариши кузатилади.

The image displays a musical score for two instruments: Alto Saxophone (A. Sax.) and Piano (Pno.). The score is written in G major (one sharp) and 4/4 time. It is divided into two systems. The first system features a piano accompaniment with a forte (*ff*) dynamic, characterized by triplet patterns in the right hand and a steady bass line. The saxophone part is mostly silent in this system. The second system begins with a first ending bracket (marked '8') and a mezzo-forte (*mf*) dynamic. The piano accompaniment continues with similar rhythmic patterns, while the saxophone part enters with melodic lines. The score concludes with a final cadence in the piano part.

Масалан, гармоник ўғишма ми-минор тоналлигига, ритмда орасида бреклар каби хусусиятлар ва оҳанг йўлининг ранг-баранг эканлиги. Кўриб турганимиздек асар репризаси асл тоналликда янграйди. Фактура ҳам илк ритмик хусусияти билан давом этади.

Композиторнинг ижоддини изчил равишда ўрганиб шуни айтиш керакки, айнан эстрада жанридаги асарлари даставвал клавир ёки партитура ҳолатида бўлиб, кўпгина сахналарда, фестивал-танловларда, Республика танловида ижро этилиб, сўнгра оркестр учун мослаштирилиб, ёки компютер техник программалари, воситалари орқали (Cubas 5 Windows, Nuendo2, 4 Windows, Logic apple) ёрдамида мусиқий безаклар берилиб биргина эстрада кўшиғи кўпгина йўллари босиб ўтади. Ўзбекистон давлат консерваторияси “Эстрада ижрочилик” талабалари ушбу асарни доимо қизиқиш билан ижро

этишган ва ҳалқимиз айнан ушбу асарни яхши эслаб қолган десак муболаға эмас.

Нота мисоли №21

The image displays a musical score for two instruments: Saxophone (A. Sax.) and Piano (Pno.). The score is presented in two systems. The key signature is two sharps (F# and C#). The saxophone part consists of melodic lines with various ornaments like slurs and accents. The piano part provides harmonic accompaniment with chords and a consistent bass line. The notation includes treble and bass clefs, and various musical symbols such as slurs, accents, and dynamic markings.

Асар Саксофон ва фортепиано ижросида ўзгача руҳда янграб ривожлов қисмидан сўнг репризага келади.

Асарнинг бош мавзуси ҳис-хаяжон, эмоция кучли бўлиб унинг куй йўли санъат оламининг баланд парвозлари кесимида сайқал топади. Ижро жараёни давомида асар ўз асл тоналлигида яқунланади. Саксофон чолғусининг тембри асарни янада лирик-драматик қарама-қарши ҳолатни кучайтириб яккахон ва жўрнавон ансамбилини янада руҳлантиради.

Нота мисоли №22

The image shows a musical score for two instruments: A. Sax. (Alto Saxophone) and Pno. (Piano). The score is divided into two systems. The first system shows the A. Sax. part with a melodic line and the Pno. part with a rhythmic accompaniment. The second system includes a measure with a '9' in a box above the saxophone staff and another '9' in a box below the piano staff, indicating a specific harmonic or rhythmic change.

Асар репризасида гарчанд катта ўзгаришлар бўлмасида финал қисмида улуғвор руҳда яқунланган. Яқунловга бўлган гармоник тайёрлов, ўзгаришлар кузатилади.

Нота мисоли №23

The image shows a musical score for two instruments: A. Sax. (Alto Saxophone) and Pno. (Piano). The score shows the A. Sax. part with a melodic line and the Pno. part with a rhythmic accompaniment.



Финалга, якунлов жараёнига бош мавзунни ривожлантириш ва саксофон чолғусининг юқори регстрлардан фойдаланган ҳолда композитор икки тактли гармоник тузилмалар орқали якунлайди.

Нота мисоли №24



Айтиб ўтиш керакки, реприза тўлиқ бўлиб, оддий уч қисмлик шаклга амал қилинган. Бош партиядаги муסיқий тамойилларнинг барчаси репризада қўлланилган. 24 нота мисоли бош партияда учрайдиган глиссандо муסיқий ифода воситаси ҳам такрорланган.

Асар финали, якунлов жараёни бош мавзунни ривожлантириши натижасида саксофон чолгусининг юқори регстрлардаги ижроси билан якуланган бўлиб ритенуто ёрдамида кўрсатилган.

Композитор Н.Нарходжаев томонидан саксофон ва фортепиано учун ёзилган “Шабда” номли асари хаётий ва ноанъанавий мавзулар асосида десак муболаға бўлмайди. Композитор ижоди давомида доимо жиддий мавзуларга ёндашади, яъни профессионал муסיқага хос ижодий эркинлик, джаз услубига хос эстрада асарлари ҳам жиддий мавзулар сирасига киради. Яна айтиш мумкинки композитор Н.Нарходжаевни нафақат саксофон ва

фортепиано учун балки кўпгина жанрларга, чолғуларга асарлар ёзган. Бир канча болалар кўшиқлари ва профессионал композиторлик ижодиётига оид мураккаб шакллардаги асарлар яратган.

Ушбу асарни ижрочи мазмун-моҳиятини гавдалантириши, талқин этиши учун унинг куй йўлини қайта-қайта такрорлаб, ўзига сингдириши ва авваламбор фортепиано билан жўрликда ҳар бир боғинини алоҳида баланд овоз билан машқлар қилиши лозим. Асарнинг бадий руҳиятини очиб бериш мақсадида бу ҳолатни ўзидан, қалбан ҳис этиши, интонациядаги дард ва шу билан бирга эмоционал ҳолатни тингловчига ишонарли тарзда очиб бериши талаб қилинади. Ушбу асар бетакрор тарзда композитор Н.Нарходжаев томонидан мавзу танлаш, ижро устида ишлаш маҳоратини намоён этган. Бундай асарлар ўзбек эстрада санъатимизда, Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада ижрочилик кафедраси талабалари томонидан битирув имтиҳонларида ижро этишади. Асар ижроси жараёнида Саксофон ва фортепианонинг бир-бирини тушуниш, ҳис этиш ва асарни мукамал билиш энг зарур омил саналади. Шунинг эслаб ўтиш керакки ушбу асар жиддий мазмун ва ёндашишни талаб этади, шунинг учун асарнинг куй йўлини ўрганаётганда кўп маротаба интонацияга эътибор бериш, ҳар бир нота, тактни қайта-қайта такрорлаш ва машқлар билан мустаҳкамлаш ижро муваффақиятини янада оширади.

Шунингдек, диссертация ишида композитор В.Сапаровнинг Саксофон альт ва фортепиано учун мослаштирган “Экспромт” асари таҳлил қилинди. Асар устоз Баходир Муртазаевнинг “Сакс овози” номли ўқув қўлланмасида нашр қилинган.

Асар 4/4 саноғида ёзилган бўлиб, ре минор тоналлигида янграйди. Джаз услубига хос гармоник тузилмалар ва боғловчи элементлар асарни янада ифодали этиб кўрсатади. Саксофон альт учун яртаилган ушбу асар ижро имкониятлари жихатдан мураккаб саналади. У консерваториянинг бакалавр

босқич талабалари учун мосдир. Allegro суръатида тўрт такт кириш қисмидан сўнг мавзуни саксофон чолғуси баён этади.

EKSPROMT

V. Saparov saksofon aly
va fortepiano uchun moslashtirgan


Allegro-schezzando (♩ = 132)

Sax Alto


Piano

Асарнинг ижро услуби, лади ва куй йўли оддий ритмик тузилишга эга бўлиб, мавзу саккиз тактдан иборат. Мавзу асар давомида уч маротаба тўлик янграйди. Уни фортепиано ритмик ва гармоник функциялар билан жўрлик қилиб боради.

Иккинчи жула мавзудан бошланиб, кейинчалик ривожлов қисмига, ёки вариацион кўринишда давом этади.



Кўриб турганимиздек, фактура ва куй йўли ўзгаради ва бадихагўйликка хос услубда ривожланади. Ривожлов триоллар ёрдамида амалга оширилган. Ижро жараёнида эстрада джаз услубида, енгил ва равон таклин этиш лозим бўлади.




The image shows a page of musical notation, page 30, from a piano score. The music is written in G major (one sharp) and C minor (three flats). The score consists of four systems, each with a vocal line (treble clef) and a piano accompaniment (grand staff). The first system begins with a mezzo-forte (*mf*) dynamic marking. The melody is characterized by flowing eighth-note patterns and melodic leaps. The piano accompaniment provides harmonic support with chords and moving bass lines. The second system continues the melodic development. The third system features a triplet in the piano part. The fourth system concludes with another triplet in the piano part. The page number '30' is centered at the bottom.

Ривожлов давомида, ёки эпизод қисмда оғиш ва модуляциялар бўлиб, улар


асарнинг суръатини янада жозиба билан намойиш этади. Тингловчилар диққат эътиборини тортади.



Ушбу ривожловдан сўнг рефрен сифатида мавзу тўлиқ равишда янграйди.



Мавзу фактураси иккинчи бор янграганда ўзгарган ва шундан сўнг фортепиано бадиҳа қилгандай ижро навбати унга берилади.



Эстрада джаз услубидаги бадихадан сўнг ривожлов қисм яна бир бор кўрсатилади ва реприза янграйди. Асарнинг фактураси хар бир жумлада ўзгарганлигини эътиборга олиш лозим.



2.2. Ижро дастурини шакллантиришда фойдаланилган асарлар таҳлили

Магистрлик диссертация иши доирасида ижро дастуридан ўрин олган П.Крестоннинг саксофон альти ва фортепиано учун соната асари таҳлил қилинди. Асарнинг мавзуси, шакли, гармонияси, фактураси ва техник мураккаб бўлган талқин масаласи ўрганилди.

Айтиб ўтиш керакки, П.Крестоннинг ушбу сонатаси уч қисмли бўлиб ундада лирик-куйчан оҳангдорлик мавжуд. Лирик-куйчанлик хусусият билан иккинчи қисмни эътироф этилиши мумкин.

Асарнинг биринчи қисми қахрамона, кўтаринки, олийжаноб характерга эга. Унда турли образларнинг қарама-қарши келишини кўришимиз мумкин. Ушбу образлар аввалом бор драматик лирика билан кўрсатилган. Биринчи қисм ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, солистдан катта ижрочилик маҳоратини талаб қилади.

П. КРЕСТОН

Саксофон **
Альт Миb)

With vigor [♩-126]

Ф-п.

Шу билан бирга асарнинг биринчи қисми турли хил полифоник мусиқий ифода воситаларига бой. Биринчи қисм диалог кўринишида бошланади. Унда фортепиано ва соло ижро этувчи мусиқа асбоби билан биргаликдаги суҳбатни кузатиш мумкин.

Лирик – қахрамонлик мавзуси биринчи қисмда шаклланади. Айнан шу сабабли у тингловчининг диққат эътиборини тортади. Асар давомида солистнинг тўлқинсимон куй мавзуси янграйди. Биринчи қисмнинг кириш қисми мардонавор бошланади. Ундаги биринчи тўртта такт кўтаринки рухдаги характерга эга.

Тоникадан юқорига бошловчи терция харакатлари мотиви саксофон партиясида янграйди. Айнан шу мавзунинг ўзи экспозицияда ҳам фортепиано ижросида янграйди.

Бош мавзу саксофон ва фортепиано жўрлиги билан бошланади. Сўнг айтиб ўтилганидек яна савол жавоб жараёни кузатилади. Фортепианодаги жўрлик мусиқий тамойилидан сўнг саксофоннинг унга хос равишда драматик мавзуси янграйди. Мавзуйликнинг келиб чиқиш тарихи классик мусиқанинг илк намуналарига хос. Саксофон чолғуси учун ёзилган куй йўналиши дамли чолғулар нота ёзуви услубларини ижодкор яхши билганлиги, ижро имкониятларидан келиб чиққан холда яратилгани сезилиб туради.



Ёрдамчи партияда турли ўзгаришлар кузатилади. Мисол учун асарнинг суръати ўзгариши. Агар кириш қисми ва бош партиядаги суръат тез бўлган бўлса, ёрдамчи партияда куйчан ва экспрессив янграйди.

Албатта ижрочи аппликатура ва нафас олиш жараёнларига тўғри амал қилиши керак. Ёрдамчи партия бош партияга нисбатан лирик-куйчанликга эга. Шу билан бирга ижрочидан юқори техник маҳорат ҳам таълаб қилинади. Саксофон ижрочиси нафас олиш тизимини аниқлаштириб олиши ва фразаларнинг тўғри ижро этилишига диққатини қаратиши керак.

Асарнинг биринчи қисми анча эркин ҳолатда берилган. Унда лирик мавзуларнинг хилма-хиллиги келтирилган.

Биринчи қисмнинг репризаси бешинчи рақам остида келади. Репризада кириш қисмининг мавзуси аккордлар кўринишида янграйди ва бу билан мавзунинг патетик характерини кучайтиради.

Ушбу нота мисолида бош мавзу саксофон чолгусига йўл берилиб яққохон ижрочи келгусидаги ижро йўлига тайёргарлик кўриши лозим. Фортепиано жўрлигидаги партия ижроси қахрамона хусусиятга эга. Унинг тингловчиларга мусикий ифодавий воситалар ёрдамида анчайин мураккаб техник имкониятлари драматик образларни кўрсатиб туради.

Ёрдамчи партиянинг ўзгартирилган ва у мажор тоналлигида янграйди. Бош партиянинг ўзгартирилган кўринишига нисбатан, ёрдамчи партиянинг ўзгартирилган кўриниши фортепиаино ва саксофоннинг ижросида давом эттирилади.

Биринчи қисмнинг якунланиши жуда ҳам қизиқарли берилган ва у лирик сокинлик билан якунланади. У ижрочидан нафас олиш тизимини мустаҳкамлашни ва барча лигаларга эътибор қаратишни талаб қилади.

Иккинчи қисм *wich tranquility* суъатида бўлиб, романтик композиторларнинг ижодида кўп учрайди. Бу ерда кириш қисмини фортепиано кейин асосий мавзуну яккахон ижро этади.

Бу ерда ҳам фортепиано ва саксофоннинг савол – жавобларини тинглашимиз мумкин. Лекин шунга қарамасдан яккахон ижрочининг мавзуси жуда сокин ва лирик характер касб этади.

II

Wich tranquility [♩-66]

8853

Айтиб ўтиш керакки, шунга қарамасдан саксофоннинг ижросида *expressively* яъни сокинлик ва нозиклик харакатлари кузатилади. Ижрочи нозиклик билан барча кўрсатмаларга ва лигаларга амал қилган холда ижро этиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган ҳаракатлар аста секинлик билан ажойиб ва кучли каденцияга олиб келади. Иккинчи қисмнинг каденциясидаги асосий образни саксофон ижро этади. Саксофонда ижро этиладиган турли пассаждлар аста секинлик билан, юқорига ва пастга бошловчи товушлар орқали барқарорликка олиб келинади. Бу ерда ҳам фортепиано жўрнавот вазифасини бажаради.

Фортепиано фактураси классик тамойилларга асосланган бўлиб мусикий ифодавий воситалар ёрдамида гармоник жихатдан ҳар бир лавҳада ўзгариб боради.

Мазуийлик хроматик равишда ривожланиб юқорида айтиб ўтилганидек классик моҳиятни сақлаб қолган. Яққохон ижрочининг мавзуси саксофон чолғусининг мусикий услубига хослиги, ижро имкониятларини ҳисобга олинганини кўриш мумкин. Иккинчи қисмнинг репризаси озгина ўзгартирилган ҳолда янграйди. Ундаги аккордлар янада кучлироқ кўриниш касб этади. У турли трансформатцияга берилган.

Яккахон ижрочининг ижро йўлида муסיқий оғишмалар, модуляциялар ва саксофон чолғу услубиётига хос муסיқий ифода воситаларини кўриш мумкин: трел, қочиримлар(фаршлаг), акцент ва лигалар.

Иккинчи октавада саксофон чолғусининг тембири диапазон жихатдан қулайлиги боис уларда техник имкониятлар кўпроқ. Зеро, нафас олиш ва аппликатура томондан мураккаб ҳисобланади.

The image displays a musical score for saxophone and piano. It consists of two systems of staves. The first system features a saxophone part with a trill and a piano accompaniment with chords and a trill. The second system shows a saxophone line with a trill and a piano accompaniment with chords and a trill. Dynamics include 'gradually fading', 'pp', and 'retard.'

Учинчи қисм финал қисми бўлиб у With gaioty шаклида ёзилган. Бу ерда ритм структураси аниқ қилиб берилган. Учинчи қисм фортепиано ва саксофоннинг катта кириш қисми билан бошланади ва уларнинг ижроси билан бошланади ва йигирма бир такт мобайнида янграйди.

Асардаги динамик белгилар талқин масаласида ойдинлик киритишда ёрдам беради. Шу билан бирга *pp* ва *ff* лар унга турфа эмоционаллик бағишлайди.

Динамик суръатларнинг ўзгариши, айнан иккинчи октавадаги
иккита пиано *PP* ўзига хос жозиба бағш этади.

p *crisp*
With gaiety [♩-160]
pp *crisp*
> *detached always*

mf
mp

Саксофоннинг фортепиано билан ижроси янада мураккаблашади бу ерда жуда ҳам кучли пассажлар ва қисқа паузаларни кузатишимиз мумкин. Финал ансамблда бошланиб 2/4 саноғида классик фактурани яна бир бор такрорлайди. Асар давомида турли хил ритмик хусусиятларни кузатиш мумкин.

Саксофон ва фортепианонинг ижроси якунланганидан сўнг жўрнавон мавзуни ижро этади. Асарнинг ушбу қисм жуда катта бўлиб, саксофоннинг соло ижросигача драматикани ва интилишни оширади. Бу пайт

оралиғида саксофон ижрочиси дам олим кейинги кучли ижрога тайёргарлик кўра бошлайди.

Саксофоннинг соласи жуда ҳам мураккаб бўлиб, ижрочилан катта моҳоратни талаб қилади. Бу ерда биз ритмик мураккаб пассажларни, қисқа ва узун лигаларни кузатишимиз мумкин.

Музыкальный фрагмент, состоящий из двух систем нот. Первая система включает саксофонную партию (верхняя линия) и фортепианную партию (нижняя линия). Фортепианная партия характеризуется сложными ритмическими фигурами и множеством штриховых нот. Во второй системе фортепианная партия продолжает сложную ритмическую структуру. В нотации присутствуют динамические обозначения: *dim.* и *sf (detached)*. В начале второй системы фортепианной партии отмечено номер такта 40.

Учинчи қисм мураккаб кода билан яқунланади. У ерда биз саксофон соласининг трелларга бой ижросини ва оркестр ижросидаги, аккордлар кўринишидаги жўрлигини кузатишимиз мумкин.

Музыкальный фрагмент, состоящий из двух систем нот. Первая система включает саксофонную партию (верхняя линия) и фортепианную партию (нижняя линия). Фортепианная партия характеризуется сложными ритмическими фигурами и множеством штриховых нот. Во второй системе фортепианная партия продолжает сложную ритмическую структуру.

The image displays a musical score for saxophone and piano. It is organized into five systems of staves. The first system shows the saxophone part on a single staff and the piano accompaniment on two staves. The second system includes a measure marked '280'. The third system features a 'r.h.' marking. The fourth system includes the instruction 'in time' and 'hold back slightly'. The fifth system continues the piano accompaniment with a 'fff' dynamic marking.

Ушбу магистрлик диссертация ишида саксофон чолғуси учун яратилган ва мослаштирилган асарлар тахлили қилинди. Шулардан бири ўзбек халқ куйи Қилпиллама ёрим куйи асосида иккита альт саксофон ва фортепиано учун мослаштирилган асарни тавсифлашга ҳаракат қилинди. Ўзбек музыка санъатини фольклор музикасиз тасаввур этиб бўлмайди. Энг катта жанрлар ҳам, опера, концерт ва симфония жанрлари ҳам айнан фольклор музикалар асосида шаклланиб бошлаган. Айтиш мумкинки, В.Сапаров томонидан мослаштирилган “Қилпиллама ёрим” асари ҳам

саксофон чолғусининг истиқболи ва дастури учун муносиб хизмат қилади. Асарни ижро этиш асосан оҳнғдорлик, тақлин ва ёш саксофон ижрочиларининг ижро услубларини шакллантиради. Шунинг учун диссертация ишида асар атрофлича ёритилди.

В.Сапаров асарни ансамбл тарзда мослаштирганлиги тембр ва гармоник жihatдан кизикарли янғрайди. Айнан эастра услубида мослаштирилган. Халқ куйининг мавзуси аввало фортепиано ижросида бўлиб сўнгра саксофонлар ижросида, ансамблида янғрайди.

QILPILLAMA YORIM

V.Saparov ikki saksofon alt
va fortepiano uchun moslashtirgan

Allegro assai (♩ = 120)

Sax Alto I

Sax Alto II

Piano


f marcato

Мослаштиришда композитор оддий фактуралардан фойдаланган ва халқчил услубда, эстрадавийликда намоён этган. Халқ куйни кварта, квинта ва терция асосидаги гармоник тузилмалар билан бойитган. Шунингдек, халқ куйини мослаштиришда композиторнинг ўзининг ижодий ёндашуви билан турли мусиқий тамойиллар асосида яратган. Айтиш мумкинки, фортепианодагитўрт тактдан сўнг жўрнавоз яна тўрт такт усул тарзида янграйди. Сўнгра иккинчи яккахон саксофон мавзуни икки такт ижро қилгач биринчи яккахон мавзуни саволга жавоб тарзида давом эттиради. Шунингдек, мавзудан олдин пастдан юқорига томон харакатланган фигурация ёки қўшимча қочирим ёрдамида ифодаланганлигини кўриш мумкин.

The image shows a musical score for piano, consisting of two systems of staves. The first system includes a vocal line (treble clef) and piano accompaniment (grand staff). The second system continues the piano accompaniment. The score is marked "burlesco" and "f".



Юқорида келтирилган нота мисолларидан кўриб турганимиздек, композитор халқ куйни саксофонлар ва фортепиано учун мослаштиришда полифоник унсурлардан, айнан полифоник стретта услубларидан фойдаланган. Яъни мавзунининг сўнгги тактини фортепианода гармоник кўринишда стретта қилган.



Композитор асар мавзусини жуда ҳам ўзгартириб юбормаган, сабаби ушбу куйни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган халқимиз жуда яхши билишади. Асар давомида асосан полифоник услублар қўлланилган. Полифоник имитация ва стретта услублари. Айтиш мумкинки, мавзу нафақат саксофонларда балки фортепиано билан биргаликда, ҳамохангликда бўлганлиги асарнинг жозибасини янада гавдалантиради.



Полифон услублардан яна бири бу қарама-қарши ойнасимон ҳаракатлар, яъни асарнинг ўрта нотаси, ўқи деб фа нотасини олсак, ушбу нотадан юқори ва пастга томон тенг пропорциядаги ҳаракатларни кузатиш мумкин. Шунингдек, бир хил ритмик ҳаракатдаги мусиқий йўл ҳам асарнинг шижоати ва куйчанлигини оширади.

⑤
burlesco
f burlesco
f

Асар шу аснода ривожланиб бориб, мавзу навбатма-навбат чолғуларда янграб боради. Айтиш жоизки, “Қилпиллама ёрим” халқ куйи бўлганлиги боис композитор уни вариацияон ва полифоник услубда, гармониялаштириш ва мослаштириш билан чекланган.

First system of musical notation, consisting of four staves. The top two staves are treble clefs, and the bottom two are bass clefs. The key signature has two flats (B-flat and E-flat). The music features a melodic line in the upper staves and a rhythmic accompaniment in the lower staves.

Second system of musical notation, consisting of four staves. A circled number '6' is positioned above the first staff. The music continues with melodic and accompaniment parts. A dynamic marking 'f' (forte) is present in the lower right of the system.

Third system of musical notation, consisting of four staves. The top two staves are empty. The bottom two staves contain musical notation, including a dynamic marking 'p' (piano) in the lower left.

Композиторнинг ижодий фаолияти кенг бўлиб, айнан саксафон чолғусининг истиқболи ва унинг қўлланишида кўрсатган хизматлари тахсинга лойиқ. Ҳозирги кунда ушбу чолғу учун махсус асар яратаётган композиторлар санокли бўлганлиги боис, асарларни таҳлил қилиш, сахналарда ижро этиш масаласи анчайин долзарб муаммолардан саналади.

Баҳоланки, чет эл танловларида ҳар бир чолғучи иштирокчи ўзининг юрти композиторларининг мураккаб шаклдаги асарларини ижро этиши керак. Шу маънода ўзбек композиторлик мактаби ҳозирги кунда саксофон чолғуси учун соната, фантазия, рондо, вариация, концерт жанрларида ижод қилмаётганликлари ва концерт дастурларида доимо бир хил асарлар янграётгани ачинарли ҳолдир. Дунё сахналарида саксофон учун энг замонавий услубларда асарлар яратилиб, жаҳон премьералари ўтказилмоқда. Ўйлайманки, бизнинг сахналарда ҳам саксофон чолғуси учун мураккаб шаклдаги асарлар, замонавий услубдаги асарлар янграши саксофон чолғусининг истиқболини жадал ривожланишида асосий омил бўлиб қолади.

II боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида, мусиқа ижодиётида саксофон чолғусининг келиб чиқиши, унинг тарихи ўзига хос босқичлардан ўтиб келган. Шу қатори XX асрга келиб замонавий нотаграфика юзага келиб, анчайин мураккаб асарлар яратила бошланган. Вақт даовмида ривожланиб келган саксофон чолғулари оиласи Ч.Паркер каби машхур ижрочилар томонидан тадқиқ этилган. Кўплаб саксофон турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар вужудга келган.

Дамли чолғулар хусусиятига кўра қадимий чолғулар сирасига киради. Саксофон чолғусининг биринчи кўриниши А.Сакс томонидан яратилган. Унинг ўзи ушбу чолғуда ижро этиб турли машқларни ўйлаб топган.

Мазкур диссертация ишида ижро дастуридан ўрин олган Н.Норходжаевнинг “Шабада” асари ижрочиларининг юқори регистр товушларини бармоқлар ёрдамида мукамал ўзлаштиришларига ёрдам беради. Қолаверса, замонавий саксофон ижрочиларининг бадий тафаккурини юксалтиришга, техник маҳоратини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, П.Крестоннинг саксофон ва фортепиано учун яратган уч қисмли соната асари таҳлили атрофлича ўрганилди. Унинг барча бўлимларидан мисоллар ёзилиб барча техник ва имкониятлар борасида фикр юритилди.

Ҳозирги кунда ижод қилаётган кўплаб композиторлар томонидан камер асарларга, хусусан, дамли чолғуларда ижрочилик санъати учун махсус асарлар яратилмоқда, ва бу самарали ижод маҳсули ўзбек симфоник оркестри ва ансамблларида ижро этилмоқда. Ушбу асарларнинг ижро амалиётида техник имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ёзилиши ва саксофон ижрочилик санъатида юксак чўққиларга эришиши учун унинг барча техник имкониятларидан унумли фойдаланиш лозим.

Зеро, ўзбек мусиқа ижодида саксофон чолғуси учун ёзилган асарларнинг салоҳияти бугунги кунда долзарб муоммолардан бири бўлиб,

унинг жаҳон мусиқаси савияси даражасида ижро этилиши бирмунча мураккаблигича қолмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда унумли ижод фаолиятини олиб бораётган ижодкорлардан Р.Абдуллаев, Х.Раҳимов, Ф.Алимов, М.Бафоев, А.Варелас, М.Маҳмудов, А.Мансуров, А.Хошимов, О.Абдуллаева, Х.Ҳасанова (Турсунова), Н.Эркаевлар ўзбек мусиқасида ўзларининг ижод намуналари билан тарих зарварақларидан жой олишмоқда.

Ушбу магистр диссертация иши саксофон чолғуларининг хусусияти ва ижодий имкониятлари таҳлиliga бағишланган бўлсада албатта жаҳон мусиқа ижодиётида кузатилган чолғу концерти ва чолғу ансамбллар учун яратилган асарларнинг нота мисоллари ва ижро имкониятлари масаласига ҳам эътибор берилди. Илмий-ижодий нуқтаи назардан ҳар бир асарнинг умумий шаклини изоҳлаб, унинг техникаси, нотаграфикаси, қўлланиши, жанри ривожини ўрганилиб таҳлил қилинди.

Тажриба-синов (танлов-фестиваллар ва концерт-ижрочилик) ишлари ва уларнинг натижалари

Тажриба-синов ишлари(танлов-фестиваллар ва концерт-ижрочилик) сифатида Ўзбекистон давлат консерваторияда ўқув йилларида ихтисослик бўйича турли танлов ва концерт дастурларида ўз ижро дастурим билан қатнашдим.

2010 йил – Қозоғистон Республикаси Алмата шаҳрида ўтказилган Халқаро урма-зарбли чолғулар танлови, 2-даражали диплом;

2011 йил – Республика ижрочилар кўрик-танлови, 1-даражали диплом;

2015 йил – “Шодлик наволари” ёш ижрочилар кўрик-танлови, 1-даражали диплом;

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

XX асрга қадар юртимизда саксофон чолғусида ижрочилик мавжуд долзарб муаммолардан эди. Ўзбекистонга академик йўналиш айнан XX асрда кириб келган бўлиб унинг ривожига кўпгина атоқли олимлар ўз ҳиссасини қўшган.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда урма-зарбли чолғулар мусикаси намуналари, мусиқа дарсларининг мазмуни ва унда берилган билимлар ўзига хос муҳим манба бўлиши мумкин. Мусиқа дарслари самарадорлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ўқувчилар шахсиятида яширин бўлган мусиқий қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантириш;

2. Ўқувчиларда мусиқий кўникмаларни шакллантириш, қайсики бу кўникмалар уларда фақатгина мусиқага оид билимларни муваффақиятли ўзлаштириш имкониятини яратибгина қолмай, балки уларни ижтимоий турмуш вазифаларини еча олишга тайёрлаб бориши керак;

3. Ўқувчиларда мусиқага қизиқиш уйғотиш, ижро этиш, соз чалишга нисбатан уларни қизиқтириш;

4. Мусиқа ўқитувчиси бутун педагогик–психологик воситаларни қўллаган ҳолда ўқувчиларни эстетик тарбиялаши лозим. Фақатгина шундай яхлит фаолият натижасида ўқувчилар мусиқа таълими якунида мусиқий идрок, мусиқий онг, ижро этиш кўникмаси ва соз чалиш каби кўникмаларига эга бўлиши, шунингдек, мусиқага оид тушунчаларни аниқ англаб етишлари керак.

5. Тингловчиларда айнан жонли ижрога қизиқиш уйғотиш катта аҳамият касб этади. Зеро, жонли ижрони кузатган ҳар қандай ўқувчи ўзи учун зарур бўлган ижрочилик кўникмаларини олиши мумкин.

6. Юртимизда дамли чолғулар, саксофон чолғусига бўлган эътиборнинг ошиб кетганини ҳисобга олган ҳолда, тингловчилар, хусусан, ўқувчиларнинг чолғу мусикаси соҳасига бўлган қизиқишини уйғотиш катта аҳамиятга эга.

Чолғу музыкаси орқали ўқувчилар музыка тарихи, музыкаий билимлар, музыкаий чолғулар, анъанавий музыка билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Музыка дарсларида ўқитишнинг самарали шакл, восита ва усуллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчиларда музыкага бўлган қизиқишни шакллантиришга имкон берувчи омиллардандир. Музыка дарсларида чолғу музыкасини ўргатишни тизимли равишда йўлга қўйиш, ўқувчиларда уларни ижро этиш кўникмасини ҳосил қилиш, шу билан бир қаторда музыка дарсларида ўқувчиларга эстетик тарбия беришни амалга ошириш ўта муҳимдир. Бу каби тадбирларни амалга ошириш ўқувчиларнинг миллий музыкага қизиқишини оширади ҳамда ўрганилган ритмнинг пухта ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Бизнингча, музыка дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, уларнинг баркамол шахс сифатида етиштиришда чолғу музыкасининг алоҳида ўрни бор. Муаллифлар дарсликни такомиллаштириш жараёнида юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларга эътибор қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, саксофон чолғусининг ўзбек музыка санъатидаги ўрни ва истиқболлари давомида саксофон чолғуси учун жуда ҳам кўп асарларни яратиш ва концерт дастурларини шакллантиришни лозим. Улар ўзбек музыкасида саксофон чолғусининг такомиллашувида дастур бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишида таҳлил қилинган асарлар катта техник маҳорат талаб этилади. Саксофон чолғуси ва жўрनावоз вазифасини бажариши лозим бўлган асарларда солосининг янграшидан, унинг тембири, овоз хажми ошиб кетмаслиги керак.

Шу каби барча талабларга амал қилган саксофон чолғу ижрочиси ва жўрनावознинг маҳсули жуда юқори бўлади ва шу билан бирга тингловчилар ва муҳлислар орасида шуҳрат қозонади.

Музыка дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, уларнинг баркамол шахс сифатида етиштиришда чолғу музикасининг алоҳида ўрни бор. Муаллифлар дарсликни такомиллаштириш жараёнида юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларга эътибор қилишлари мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. – 48 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар: 3 – жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 367 б.
6. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1997. – 62 бет.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
8. Шавкат Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
9. Шавкат Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
10. Шавкат Мирзиёев. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
11. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола – Тошкент “МАЪНАВИЯТ” 2017, 190-бет
12. Н.Норхўжаев ва А.Назарян. “Қалб оҳанглари” саксофон учун ўқув кўлланма. Т.: 2016.

13. Б.Муртазаев – “Сакс овози” Мусиқа ва санъат коллежлари учун дарслик. Ғофур Ғулом. Тошкент - 2003
14. Риман Г. Музыкальный словарь. — М., 1896. — 1531 с.
15. Берлиоз Г. Большой трактат о современной инструментровке и оркестровке. — М.: Музыка, 1972.
16. Иванов В. Д. Саксофон. Популярный очерк. — М.: Музыка, 1990.
17. Рогаль-Левицкий Д.Р. Саксофон // Современный оркестр. Том 1 из 4. — М.: МузГиз, 1953. — С. 411—425. — 481 с.
18. Черных А.В. Саксофон // Советское духовое инструментальное искусство : Справочник. — М.: Советский композитор, 1989. — С. 93—95. — 320 с.
19. Чулаки М. И. Инструменты симфонического оркестра. — СПб.: Композитор, 2004. ISBN 5-7379-0260-9.
20. Саксофон // Музыкальная энциклопедия. — М.: Советская энциклопедия, 1978. — Т. 4. — С. 821—822. — 976 с.
21. Sax, Mule & Co, Jean-Pierre Thiollet, Paris, 2004. ISBN 2-914266-03-0
22. R. Ingham, ed. The Cambridge Companion to the Saxophone. — Cambridge, 1998. ISBN 0-521-59666-1.
23. Рево Маркович Петров – Ботир Матёкубов. Чолғушунослик ва чолғулаштириш. – Ўқув-қўлланма. Тошкент – 2006.
24. Н.Салиев – В.Сапаров. Саксофониана. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2011.

Ўзбекистон давлат консерваториясини
5A150702 – “Чолғу ижрочилиги (эстрада чолғулари)
магистр таълим йўналиши бўйича 2018 йил битирувчиси
БОСИЛОВ ДОСТОН ЯХШИБОЙ ЎҒЛИнинг
“Саксофон чолғусининг ўзбек эстрада мусиқасида қўлланиши истиқболлари”
мавзусида Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация хусусида илмий-ижодий раҳбар

ХУЛОСАСИ

2018 йил битирувчиси Босилов Достон Яхшибой ўғли томонидан бажарилган мазкур диссертация ишда танланган мавзунинг ўзига хос муаммоси ва унга асосланган ҳолда мусиқа санъатининг мавзуга тааллуқли жанрларида оригинал ижодий ижро услуби – бугунги кун санъатининг истиқболи ривожланишини акс эттирди, деб ҳисоблайман.

“Чолғу ижрочилиги”(эстрада чолғулари) кафедраси томонидан ўз пайтида диссертация ишлар мавзуси банки яратилди ва битирувчи ўз ихтиёри билан юқорида номланиши акс эттирилган мавзунинг 2-семестрда танлади ва унинг устида мунтазам ижодий изланишлар олиб борди. МД мавзуси “Чолғу ижрочилиги”(эстрада чолғулари) кафедрасида рўйхатга олиниб, факультет Кенгаши, консерватория Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланди.

Диссертация ишини бажаришдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

- таълим бўйича назарий – амалий ва амалий ижодий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

- олинган билимларни муайян илмий, илмий-ижодий, ижодий - ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

- ижодий асарларни ижро этиш, ижро этилаётган асар (ижодий буюртма)нинг режалаштириш ва бажариш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис этишга ўргатиш.

Замонавий маданият ва санъатнинг, хусусан, мусиқанинг ривожланиши шароитида талабани мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлашдан иборат бўлди.

МД иш мавзуси ва режалаштирилаётган асарлар жанри аниқлангандан сўнг илмий-ижодий раҳбар томонидан қуйидагилар бажарилди:

- вазифа берилди;
- МД ишнинг бажарилиш жадвали режалаштирилди;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини, тинглаш учун буюк мусиқа ижодкорлари асарларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбалар ёки қўшимча топшириқлар бўйича тавсия берилди;
- талаба билан мунтазам равишда маслаҳатлар ўтказилди;
- МД ишнинг бажарилиши жараёни назорат қилинди;

- талаба бажарган МД ишнинг сифати ва муаллифлигига шубҳа туғилмаслиги учун ижодий ҳамда тадқиқот соҳасидаги соғломлик ҳисси тарғиб қилинди;

- бўйича энг сўнгги маълумотлар, асарлар билан яқиндан танишиб, фикрларни жамлаб ўз тили билан ёзиб чиқиши, ижод қилиши лозимлиги мунтазам уқтирилди.

Битирувчи Босилов Достон Яхшибой ўғли магистрлик диссертация ишини бажаришда қуйидаги тартибга риоя этилди:

Титул варағи;

Мундарижа;

Кириш;

Асосий қисм боблари;

Хулоса;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

Илова.

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, магистрлик диссертация ишининг мақсад ва вазифалари, илмий, амалий, ижодий аҳамияти, илмий-амалий янгилиги, тадқиқот предмети, тадқиқот объекти, методология услублари ёритилди.

Битирувчи Босилов Достон Яхшибой ўғли ижрочилик санъати магистрлик таълим йўналиши бўйича магистрлик даражасига даъвогар эканлиги сабабли МДнинг энг асосий мақсади - етук ва тугал асарларни ижро этиш бўлди. Баҳоловчи мутахассисларга ва кадрлар буюртмачиларига қуйидаги ижодий асарлар партитурасини, уларнинг бадиий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан сахнада ижро этилишини таъминлади.

Илмий-ижодий раҳбари:
доцент

Ганиева Л.М.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг “5A150702-“Чолғу ижрочилиги”
(эстрада чолғулари)” бакалаврият таълим йўналиши бўйича 2018 йил
битирувчиси

БОСИЛОВ ДОСТОН ЯХШИБОЙ ЎҒЛИнинг
“Саксофон чолғусининг ўзбек эстрада мусикасида қўлланиши
истикболлари” мавзуидаги магистрлик диссертация ишига
ТАҚРИЗ

Ўзбекистонда саксофон ижрочилиги ўз тарихи ва анъаналарига эгадир. Ушбу йўналишда ёш авлод вакиллари ҳам катта қизиқиш билан таълим-тарбия олиб, ижрочилик соҳасида ўз “фикр” ва “қарашларини” билдиришга муваффақ бўлаётганликлари, қатор Республика ва халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритаётганликлари қувонарли ҳолдир. Шу маънода, магистрлик даражасини олиш мақсадида Босилов Достон Яхшибой ўғли томонидан тақдим этилган магистрлик диссертация иши ўта долзарб мавзуга бағишлангани диққатга сазовордир. Унда саксофон чолғусининг тарихи, ижро имкониятлари ва истикболи баён этилган. Шунингдек, ижро дастуридан ўрин олган мураккаб шаклдаги асарлар таҳлил қилинган. Магистрлик диссертация иши Икки боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида саксофон чолғуси ва унинг турлари, чолғу учун яратилган асарларга оид фикрлар баён этилиб, мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий янгилиги, ва амалий аҳамияти асослаб берилади. Шу билан бирга, илмий адабиётларда ушбу масалани ўрганилмаганлиги, тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари, тадқиқот учун объект қилиб танланган асар, ишнинг илмий-амалий янгилиги, моҳияти белгиланади.

Биринчи боб марказида саксофон чолғуси ва тарихий йўли, чолғу ижрочилик услублари, ўзбек мусикасидаги ўрни ва унинг шаклланишига оид фикрлар ўрин олган.

Иккинчи боб ўз навбатида икки фаслга бўлиниб П.Крестоннинг Саксофон ва фортепиано учун соната асари тавсифи ва ижрочилик талқини масалаларига бағишланган.

Хулоса қисмида малакавий ишда олиб борилган изланишлар юзасида умумий натижалар чиқарилади.

Ишда айрим камчиликлар бўлишига қарамай, адабиётларнинг камлигини инобатга олган ҳолда, ўйлайманки, магистрант танлаган қизиқарли ва долзарб мавзу Ўзбекистонда илк мартаба тадқиқ қилиниши боис “аъло” даражага баҳоланиши мумкин.

Илмий-ижодий раҳбари:
доцент

Ганиева Л.М.